БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 161 (16.851). | 13 июль 1977 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ЭЛЕКТР ПЎЛАТ ЭРИТИШ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА

ИШТИЁҚ

Бекободликлар бундай қурилишни илгари кўришмаган эди. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида қурилаётган электр пўлат эритиш комплекси ўзининг кўлами, ҳажми, техниканинг кўплиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Хўш, янги комплексни қуришдан мақсад нима?

Маълумки, Бекобод заводи Урта Осиё республикаларининг қора металл ва пўлатга бўлган талабини бор-йўғи 15 процентгина қондиряпти. Айни вақтда мазкур регионда ҳар йили 1,5 миллион тоннадан зиёд темир-терсак тўпланмоқда. Маҳаллий металл-помнинг 1 тоннасини Бекободга ташиш бир сўмга тушади. Урал ва Қарағандага элтиш эса 10 сўмга тенгдир. Бунинг устига тайёр прокатни яна Урта Осиёга келтиришга сарфланадиган ҳаражатни ҳисобланг. Мана шунинг учун ҳам маҳаллий темир-терсакларни узоққа ташимасдан Бекободнинг ўзида эритиш ҳар томонлама самаралидир. Биргина транспортга сарфланадиган ҳаражатларни тежашнинг ўзи электр пўлат эритиш комплекси қурилишига кетадиган маблағни тез қоплайди.

Бекободда тикланаётган электр пўлат эритиш комплексига жами 240 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Шундан 144 миллион сўмини ўнинчи беш йилликда ўзлаштириш керак. Ҳозир объект қурувчилари Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида қурилиш суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар. Яқинда Бекободда бўлиб ўтган шаҳар партия-хўжалик активи йиғилишида бинокорлар комплексининг биринчи навбатини юбилей йилининг сўнгги кварталида топшириш мажбуриятини олган эдилар. Улар сўзларининг устидан чиқиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

Суратларда: «Промтехмонтаж» трести 1-қурилиш монтаж бошқармасининг илғор геодезисти А. Савицов. 2. Комплекснинг бош корпуси қурилишида.

Е. Ботиров фотолари.

ДОН — ДАВЛАТГА

«ВОСХОД» ҒАЛЛАЗОРЛАРИДА

Чироқчи районидаги йирик ғаллакор хўжаликлардан бири — «Восход» совхозининг ғаллазорларида иш ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юборилган. Ғаллакорлар, механизаторлар ва транспорт ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб, ҳосилни нес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишяпти. Ғаллазорларда 50 та комбайн юксак унумларда ишлатилаётир.

Ўримда айниқса Тўқсон Фармонов бошқарувчилик қилаётган бўлим марди-майдонлари пешқадамлик қилишмоқда. Ғаллакорлар 4450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 10 центнердан сара дон янчиб олмоқдалар. Ҳозиргача давлат қабул пунктларига 1700 тоннадан зиёд арпа-буғдой ҳосили жўнатилиб, бу соҳадаги йиллик топшириқ шараф билан эшириб бажарилди. Ғаллакорлар давлатга яна 300 тонна ҳосил топшириб, 2 минг тоннаник ғалла хирмони яратиш мақсадида унумли меҳнат қилишяпти.

Совхоз бўйича эса ҳар гектар ердан олинаётган дон ҳосили 7 центнерни ташкил этяпти. Хўжалик механизаторлари мўл ҳосилнинг сўнгги бошоқларини ҳам ерда қолдирмай ўриб-йиғиб олиш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтариб ишлаяптилар. Далалардаги унумли меҳнат юбилей йилида 10 минг тонналик дон хирмони, албатта, уйилишидан далолат бериб турибди. Бу ҳосилнинг 6 минг тоннаси қабул пунктларига топширилади. Айни пайтда келгуси йил ҳосили учун етарли миқдорда уруғлик жамғарилади.

Совхоз миришкорлари ғалласи йиғиштириб олинган майдонларни пешма-теш ҳайдаб, келаси йил ҳосили учун замин яратишга киришдилар.

П. ҒАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САБЗАВОТ, МЕВА ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республикамиз сабзавоткорлари ва боғбон-соҳибкорлари маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Колхоз ва давлат хўжаликларида 1.100 минг тонна сабзавот, 510 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 185 минг тонна картошка, 305 минг тонна хўл мева, 325 минг тонна узум етиштирамиз! Юбилей йилининг мажбуриятлари шундай!

Ҳозир серқуёш ўлкамизнинг унумдор далалари, серҳосил боғ-роғларида ғарқ пишиқчилик бошланди. Сабзавоткорлар, боғбон-соҳибкорлар эртаги сабзавот ва мевалардан катта хирмон кўтариб, давлат тайёрлов ташкилотлари, консерва заводлари, шаҳар меҳнаткашларига жўнатмоқдалар, коммунистик маъмурчилик яратишга улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Сурхондарё области, Калинин, Ульянов районлари, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози, Калинин районидаги «Партия XXI съезди», Ромитан районидаги «Ромитан» совхози давлатга сабзавот, картошка, хўл мева сотиш бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. Илғорлардан намуна олган кўплаб районлар, колхоз ва совхозлар маҳсулотлар тайёрлашни кун сайин кучайтирмоқдалар.

Ҳавонинг иссиқ келиши, ҳароратнинг юқори бўлиши сабзавотлар ва меваларнинг эрта пишиши, ширин ва сифатли бўлишига қулайлик яратди, фурсатни тезлатди. Буни яхши англаган миришкор деҳқонларимиз йиғим-теримга пухта тараддуд билан киришдилар. Қабул пунктлари, консерва заводларининг иши маҳсулотлар тайёрловчи хўжаликларнинг иши билан уйғунлаштирилди, дастлабки кунлардан бошлабоқ «дала — тайёрлов пункти», «дала — магазин» усулига риоя қилина бошлади. Бу маҳсулотларни юқори сифат билан қабул қилиш, аҳолини шундай маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини бермоқда.

Магазинлар, павильонлар, дўконлар, лареклар — ҳамма жойда сабзавотлар ва меваларни харид қилиш мумкин. Республикамизда етиштирилаётган ширин-шакар маҳсулотлар Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга ҳам кўплаб юборилмоқда, заводлар, комбинатларда қиш фасли учун консервалар тайёрланмоқда. Бу сабзавоткорларимиз, боғбон-соҳибкорларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатган тўғри йўлдан бориб ўзларининг шарафли бурчларини садоқат билан ўтаётганликларини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Сабзавотчилик, боғдорчилик- узумчиликда фурсат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фурсатнинг қўлдан бой берилиши ҳосил чўғига путур етди демакдир. Айниқса юбилей йилида бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати, Савдо министрликлари, «Ўзбекбирлашув», «Узплодоовощвиниром» бирлашмаси ва бошқа дахлдор ташкилотлар сабзавотчилик, боғдорчилик- узумчилик хўжаликлари билан ҳамкорликда йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўришлари керак. Бунда сабзавотлар, мева-узумларни пишиб етилганда узоқ вақт сақлаш мумкин эмаслиги алоҳида ҳисобга олиниши, исрофгарчилик йўллари бутунлай беркитиб ташланмоғи керак.

Афсуски, айрим жойларда шундай қилинмаяпти. Помидор териш, яшикларга жойлаш, жойларга жўнатишда кўпол хатоликларга йўл қўйиляпти, сортга эътибор берилмаяпти. Карам, картошка тайёрлаш кечиктириляпти. Боғдорчилик-узумчилик хўжаликларида ўрик, олма, ғафтоли ва бошқа мевалар пишганига кўп бўлди. Лекин тайёрлаш суръати талаблар ҳамда имкониятлар даражасидан орқада қоляпти. Оқибатда нобудгарчилик ҳоллари учраяпти. Консерва заводлари ва баъзи қабул пунктлари тайёр маҳсулотларни қабул қилиш, транспорт воситаларини тезкорлик билан жойларга қайтариш ўрнига ишда сусткашликка йўл қўйяпти.

Юбилей йилида полиз маҳсулотлари ҳам барвақт пишди. Марказий районларга қовун, тарвуз жўнатиш яқин фурсатда оммавий тус олади. Шунга қарамасдан дастлабки тайёр маҳсулотларни узоқ жойларга жўнатишда юк автомобиллари, темир йўл юк вагонлари етишмаслик ҳоллари учради, узоқ муддат сақлаш кўзда тутилмаган сабзавот маҳсулотлари айрим жойларда транспорт воситалари етишмаслиги туфайли ётиб қолди. Бундан кейин узоқ жойларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатиш кескин кўпаяди. Шундай экан, Урта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон ССР фуқаро авиацияси бошқармаси ва бошқа министрлик ҳамда ташкилотлар бу энг зарур юкларни ўз вақтида белгиланган жойларга жўнатиш чораларини кўришлари лозим. Шунга эришайликки, маҳсулотлар транспорт кутиб, транспорт эса маҳсулотлар кутиб бекор туриб қолмасин.

Сабзавоткор деҳқонларимиз ўртаги экинлар ҳосили йиғим-теримини қучайтириш билан бўшаган ерларга такрор экинлар экиш, кечки экинлар парваришини кучайтиришлари лозим. Шунда қилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигида ҳар бир звено, бригада, бўлим, колхоз, совхоз, район ва область бўйича юксак социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажаришга мустаҳкам замин яратамиз.

Партия ташкилотлари сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева-узум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашнинг боришини ўз назоратлари остига олишлари, бу борада юз бераётган айрим беғамлик, бепарволик, масъулиятсизлик ҳолларига қаттиқ зарба беришлари керак. Социалистик мусобақа шу соҳаларга алоқадор бўлган барча ташкилотлар, кишилар фаолиятининг мезонига айлантирилмоғи керак. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотлар тайёрлаш, жойларга жўнатишга бошчилик қилишда коммунистларнинг ташкилотчилик роли кучайтирилмоғи керак.

Сабзавоткорлар, боғбон-соҳибкорларнинг кўп вақти унумдор далалар, боғлар, токзорларда ўтяпти, улар фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қиляпти. Партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари дала меҳнатчиларининг маданий дам олишлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишлари, дала шийполарини оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар марказига айлантиришлари зарур.

Ҳамма жойда сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтирайлик, полиз экинларидан юқори ҳосил олиш тадбирларини изчиллик билан амалга оширайлик!

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ КЎПАЯВЕРСИН

МЎЛ-КЎЛ СЕНАЖ

Калинин районидаги хўжаликларнинг ем-хашк тайёрловчи бригадалари қиш мавсуми учун беда сенажи бостириш мажбуриятини бажардилар. Дастлабки икки ўримдан йиғиб олинган кўм-кўк беданинг қарийб 21 минг тоннаси траншеяларга бостириб қўйилди. Бригадалар чорва моллар учун тўйимли озуқа тайёрлаш учун беданинг учинчи ўримига киришдилар.

Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Урта Чирчиқ районларининг деҳқонлари ҳам сенаж тайёрлашни муваффақиятли олиб бормоқдалар. Тошкент областининг хўжаликларида мана шу озуқадан 260 минг тоннадан зиёд—ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 48 минг тонна кўп сенаж бетон траншеяларга бостириб қўйилди.

(ЎзТАГ).

НОЗ-НЕЪМАТ КЎПАЙМОҚДА

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг боғбонлари истеъмолчиларга «Белий налив», «Летний персиковий» навли 250 тонна олма жўнатдилар. Улар давлатга мева топшириш планини Тошкент областида ҳаммадан барвақт бажардилар. Д. Зокиров бригадаси мўл ҳосил йиғиштириб олди. Бу ерда ҳамма агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди. Хўжалик деҳқонлари ўз имкониятларини намалаб кўриб, давлатга яна шунча «Ренет симиренко», «Розмарин белий» навли кечки олма топширишга қарор бердилар. Ҳозиргача областда жами қарийб 13 минг тонна мева тайёрланди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида УзТАГ мухбирига маълум қилишларича, республика боғларида мева йиғиштириб олиш айни авжида. Давлат ҳар куни колхоз ва совхозлардан 3500 тоннадан зиёд олма, ўрик, олча қабул қилиб олмоқда. Наманган областининг Поп районида Сурхондарё областининг Термиз районидаги деҳқонлари боғ-роғларнинг ноз-неъматларини топшириш юзасидан йиллик планларни муддатидан илгари бажардилар.

Боғлардан савдо шохобчаларига, консерва заводларига, маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналарга сервитамин маҳсулотлар тобора кўпроқ келиб турибди.

МАККАЖЎХОРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ДОНИ

ҚАРШИ. Езнинг хаддан ташқари иссиқ келиши, Қашқадарё областининг жанубий районларида маккажўхорининг пишишини тезлаштирди. Механизаторлар маккажўхорини дон учун йиғиштириб олишга киришдилар.

Ульянов районидаги Қораўҳжа массивининг маккажўхоризорида «Партия XX съезди» совхозининг бешта комбайни ишга тушди. 100 гектарлик даланинг ҳосилини беш кун ичида йиғиштириб олиш мўлжалланган турилибди. Комбайнчилар эса икки сменада ишлаб, ҳосилни уч кун ичида йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Дастлабки ўнлаб гектар ердан ўрта ҳисобда 100 центнердан маккажўхори дони олинди. Механизаторлар йиллик планни 2,5 баравар ошириб бажаришга аҳд қилдилар. (ЎзТАГ).

ТУПРОҚШУНОСЛАР СЪЕЗДИ

МИНСК. Бу ерда 11 июлда Бутуниттифоқ тупроқшунослар жамиятининг бешинчи съезди очилди. Съездда кейинги йиллардаги иш якунлари муҳокама қилинмоқда, ерларнинг унумдорлигини муттасил ошириб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилишини таъминлайдиган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари белгилаб олинади.

Олимлар тупроқларни катта кўламда текшириб чиқдилар, мамлакатнинг ҳамма хўжаликлари шу текшириш материаллари билан таъминланди. Тупроқни муҳофаза қилувчи деҳқончилик системаси, мамлакатнинг зоналари бўйича қишлоқ хўжалигини олиб бориш системаси ишлаб чиқилди, ҳосилни прогноз қилиш борасида тавсиялар тузилди. Жумладан, Белоруссияда бой тажрибалар орттирилган. Тупроқларнинг классификацияси, оҳаклаш, бошқа ишлар кенг кўламда илмий асосда амалга оширилмоқда.

Ҳозир тупроқшунослар қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, механизациялаш, мелиорациялаш билан боғлиқ проблемаларни комплекс равишда ҳал этишга эътибор бермоқдалар, СССР Давлат ер кадастри умумий системасида тупроқни ўрганиш, картография қилиш ва ҳисобга олиш борасида катта ишлар ўтказилади.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, БССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

Тошкент области, Чиноз совхоз техникуми даласида беданинг учинчи ўрими қизғин олиб борилмоқда.

М. Мирзаев фотоси.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТНИ ОШИРИШ—АСОСИЙ ВАЗИФА

ЧИРЧИҚ, 12 июль, (ЎзТАГ). Чирчиқ шаҳар партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳар партия ташкилотининг саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан нотиқлар шаҳардаги саноат корхоналарида шу йилнинг биринчи ярмида кўлга киритилган муайян муваффақиятларни таъкидлаб, бир қанча коллективлар ишида ҳали кўпгина нуқсон ва камчиликлар борлиги ҳақида гапирдилар: ишга туширилган ва ишга туширилаётган қуватлардан тўла даражада фойдаланилмаяпти, Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи ҳамон паст. Пленум қатнашчилари ишлаб чиқаришни йил сайин 6-7 процент оширишни таъминлаш учун корхоналар коллективлари барча имкониятларга эга эканликларини уқтириб ўтдилар. Бунинг учун ички резервларни қидиришни ва улардан фойдаланишни янада кучайтириш, «Ёнимизда биронта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остида ватанпарварлик ҳаракатини кенгайтириш зарур.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

ҲАРБИЙ КУЗАТУВЧИЛАР КЕЛИШДИ

12 июль куни Прикарпатье ҳарбий округи қўшинларининг «Карпати» деган шартли ном билан аталган машқ ўтказиш районига Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган бир қанча давлатларнинг чет эллик ҳарбий кузатувчилари келишди. Улар Хельсинки кенгашининг Якунловчи ақтидаги моддаларга мувофиқ таклиф этилган эдилар.

Машқларга Германия Федератив Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Австрия Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Франция Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Италия Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Швейцария конфедерацияси, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ҳарбий кузатувчилари келдилар.

Шу куни ҳарбий кузатувчилар «Карпати» машқларида ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

АЪЛО СИФАТ БИЛАН

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози Тошкент областида биринчи бўлиб пахта териш машиналарини тўла ремонт қилди. Юзта «зангори кема», 125 та кўрак ғерниш агрегатлари, подборщиклар, кўсак чувиш машиналари тайёр қилиб қўйилди. Комиссия бу машиналарни «аъло» баҳо билан қабул қилди.

Совхоз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 4 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнер ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Шу ҳосилнинг 96 процента машиналарда терib олинади.

(ЎзТАГ).

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Темир йўл транспортида юк ўтказиш ва ташиш қобилиятини кенгайтириш, кўп миқдорда иқтисод қилишни таъминлайдиган контейнерларда юк ташишни ривожлантириш, транспортнинг техникавий даражасини юксалтириш соҳасида йирик тадбирлар амалга оширилади.

(1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларидан).

1975 йилнинг 17 февраси. Сирдарё шаҳрининг шарқий чеккасида — темир йўл ёқасида, қамишзор ташландиқ майдонда бир экскаватор ва бульдозер ер текислашга киришди. «Средазтрансстрой» трести 194-қурилиш-монтаж поезди машинистлари — Василий Обедков ҳамда Алексей Машинецлар Ўрта Осиёдаги бўлажак ягона рефрижератор вагонлар ремонти депоси қурилишини бошлаб беришди.

...Орадан икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Ҳозир ўша майдонда узунлиги 240 метр эни 60 метр келадиган замонавий депо бинosи қад кўтарган. Қурилиш ҳажми 3.5 миллион сўмга мўлжалланган. Корхонанинг биринчи навбати шу йилнинг декабрь ойида ишга туширилади. Шунингдек, бу ерда асосий корпуслан ташқари маъмурий-маиший бино, юз хўрандага мўлжалланган ошхона, водопровод, насос станцияси сингари корхонанинг ишга туширилиши учун зарур бўлган иншоотлар қурилиши давом этмоқда.

— Сирдарё рефрижератор вагонлар ремонти депоси тўла қувват билан ишга туширилгач, — дейди буюртмачи ташкилот — Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси вагон хизмати вакили В. Височин, — бу корхона йилига 250 та 5 вагонли секцияларни, 250 та автоном рефрижератор вагонларни ремонт қилиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзбекистонлик деҳқонлар етиштирган сабзавот, полиз маҳсулотларини холодильникли вагонларда мамлакатимизнинг турли бурчакларига ўз вақтида етказиш имконини беради.

Депо корпуси асосан темир-бетон конструкцияларидан қад кўтармоқда. Шунинг учун қурилиш билан таниишувни монтажчи бригадалардан бошладик. Қурилиш участкасида В. Мартиросян ҳамда В. Воқуленко бошлиқ монтажчилар бригадалари меҳнат қилаётир.

— Қурилиш-монтаж поездимизнинг «олтин фонди»даги мутахассислардан. — Участка мастери Ю. В. Саричев В. Мартиросянни ана шундай деб таништирди.

Владимир Айказович йигирма етти йилдан бери қурувчи, 194-қурилиш-монтаж поездида эса ўн беш йилдан бери монтажчилик қилади.

— Олмаота, Ермаков ГРЭСлари, Тошкентнинг янги аэропорти қурилишларида қатнашганман. Хатто космик станция қурилишлари ҳам монтажчиларсиз битмайди, — дейди ярим ҳазил ва ғурур билан В. Мартиросян.

Қурилиш майдончасида бригадирнинг шогирдлари, ҳозирда эса уста монтажчилар Вячеслав Бондаренко, Владимир Шчильцов, Ирина Никифоровалар темир-бетондан ишланган фермаларни ўрнатиш билан банд. Битта фермани кран ёрдамида кўтариб ўз ўрнига қўйиш ва монтаж қилишни малакали 3-4 монтажчи камида икки соатда бажаради. Бу объектда ана шундай фермалардан 126 та ўрнатилиши лозим. Злобин методи асосида ишлаётган мартиросянчилар вақтдан ўзиб, фермаларни ўрнатиш муддатини 4-5 баравар қисқартиришди.

— Бу, Владимир Айказовичнинг хизмати, — изоҳлади участка мастери Ю. Саричев. — Биз Сирдарёдаги депо қурилишини бошлаганимизда муддат қисқа эканлигини айтишди. Мартиросян айтганини қиладиганлардан. У ҳар бир операцияни бажариш чоғида вақтни қисқартириш йўлларини излади. Топди ҳам. Уни «кондуктор» деб атайди.

Кондуктор — тузилиши оддийгина мослама. Унга темир-бетондан ишланган ферма ўрнатилиб, кран ёрдамида монтажчига қулай вазиятда тутиб туриш мумкин. Тўғридан-тўғри кран билан кўтарилган фермаларни эса монтажчига бўйсундириш мушкул, кондуктор ёрдамида эса қилт этмай туради. Битта фермани ўрнатиш энди аввалгидай икки соат эмас, балки 20 минутгина вақтни олмоқда.

Қурилишда Мартиросян сингари ўз касбини жон-дилдан севувчи бинокорларни кўплаб учратдик. Уларнинг аксарияти бой иш тажрибасига эга малакали қурувчилар. Бу табиий ҳол. Чунки қурилиш-монтаж поезди асосан энг замонавий типда бунёд этилаётган йирик объектлар қуришни амалга оширади. Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси ҳам замонавий техника ва қулай иш шароитларига эга бўлади.

Бўлажак темирчилик цехидамиз. Бу ерда Любовь Попова бошлиқ сувоқчилар бригадаси аъзолари меҳнат қилишмоқда. Бетон деворларидаги овоз ўтмайдиган материал устидан сим тўрлар қопланган. Цемент қотишмаси билан бундай мураккаб сувоқни бажариш қурувчилардан ўта чаққонлик ҳамда маҳорат талаб қилади. Любовь Попова бригадасининг малакали сувоқчилари эса бу ишни аъло даражада уддалашмоқда.

Қурилиш объекти кун сайин кенгайиб бормоқда. Асосий корпус яқинида механизаторлар бригадаси ер текислаш билан банд. Улар орасида биз ҳикоямизнинг бошланишида таништирган экскаватор машинисти Василий Обедков ҳам бор. У ва ҳамкасблари қурилажак ётоқхона, боғча бинолари учун жой ҳозирлашмоқда. Энди улар корхонанинг бўлажак ишчилар шаҳарчасини бунёд этиш учун дастлабкилардан бўлиб ишга киришадилар.

А. РАҲИМОВ,
Сирдарё шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Ҳошим Раҳимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

Ўрта Осиё энергетикасининг байроқдори — Сирдарё ГРЭСи қурилишида Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракати авжида. Нурхона бинокорлари юбилей йилида ГРЭСнинг 6 ва 7-энергоблокларини фойдаланишга топшириш мажбуриятини олганлар. Суратларда: 1. 6-блок генераторини созлаш пайти. 2. Илғор монтажчилардан Г. Матвеев ва Н. Проскурнилар.

А. Тўраев фотолари.



МАҲСУЛОТЛАРДА—СИФАТ БЕЛГИЛАРИ

Чирчиқ трансформатор заводининг ижодий коллективи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

Яқинда коллектив томонидан тайёрланган мойли трансформаторлар фахрли Сифат белгисини олишга сазовор бўлди. Янги маҳсулот ўзининг юксак техника-иқтисодий кўрсаткичлари билан аввалгиларидан анча фарқ қилади.

Завод мамлакатда биринчи марта мураккаб ўрамли трансформаторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу эса кўплаб симларни иқтисод қилишга олиб келди. Бундан ташқари унинг оғирлиги деярли ярим тоннага камайди. Шунингдек, қимматли металлар ишлатиш анча камайди.

Эндиликда коллектив ўзининг 24 хил маҳсулотини Сифат белгиси олиш учун тайёрламоқда. Чирчиқ трансформаторчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бу йил 53 хил маҳсулотни Сифат белгиси билан чиқаришга аҳд қилган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРДА

БУХОРОНИНГ ЯНГИ СУВ ОМБОРИ

Бухороликлар шу йил баҳорда яна бир хайрли ишга қўл урган эдилар. Конимех ва Ғиждувон районлари зонасига кирувчи Қизилқумнинг қуйи этагида Шўркўл сув омбори қурилиши бошлаб юборилди. Бундан кўзда тутилган мақсад битта. У ҳам бўлса пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имконини берувчи сув таъминотини яхшилашдир. Шўркўл сув омбори ана шундай муҳим аҳамиятга эга гидротехник иншоот бўлиб, асрлар бўйи сувга ёлчимай келган кўҳна воҳани гуллаб-яшнаган маъмурчилик масканига айлантириш йўлида партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган жуда катта ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бу сунъий денгиз областда сув таъминотини 10—12 процент ошириш, келажакда қўшимча 35 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, экин майдонига киритиш айниқса, Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент районларида сув танқислигига чек қўйиш имкониятини беради. Шўркўлга сув Аму-Бухоро машина канали иккинчи навбатининг Шофиркон тармоғи орқали ўзи оқиб бориб қуйилади. Шу мақсадда 23 километрли сув қуювчи, 43 километрли сув чиқарувчи каналлар барпо этилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ сунъий денгизда 127 миллион куб метр об-ҳаёт тўплаш кўзда тутилганди.

Область партия комитети Шўркўл сув омбори қурилишини умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилди. Бу ерда «Амубухараканалстрой» бошқармаси, «Бухараирстрой» трестининг ишчан коллективлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли планировка бўлинмалари, «Союзвзривпром»нинг махсус участкаси, колхоз ва совхозлардан келган зарбдор отрядлар жасорат кўрсатиб ишлашяпти. Юзлаб бульдозер ва грейдерларнинг ҳайқириғи Қизилқумни асрий уйқудан уйготиб юборди. Қудратли «МАЗ» ва «КРАЗ»лар эса гидроиншоот бунёдкорларининг оғирини енгил қилмоқда. Г. Гавриков, М. Ичимбетов, Р. Хусенов, С. Нормуродов, М. Гринштейн сингари турли миллат фарзандларидан ташкил топган бульдозерчи зарбдор бригадаларнинг азамат коллективлари сув омбори қурилишида, айниқса, зўр шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар бир кунда икки кунлик норма бажариш ташаббусини кўтариб чиқишди. Бу ватанпарварлик ҳаракатига бошқа участкаларнинг қурувчи-монтажчилари ҳам қўшилдилар. Сув қуювчи каналнинг 20 километрдан ошиқ ўзани портлатиш йўли билан қазилди. Бугун-эрта Жилвон канали орқали Шофиркон далаларига ҳар секундда 20-25 куб метр сув оқа бошлайди.

Биз Шўркўл сув омбори лойиҳасининг бош инженери, «Узгипроводхоз» институти ходими Ю. Дьяконов билан учрашиб, Қизилқумда бунёд этилаётган сунъий денгизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Лойиҳани ишлаб чиқиш институтимиз зиммасига юклатилган эди —дейди у. — Дастлаб қурилишни 1978 йилда бошлаш планлаштирилганди. Бухоро область деҳқонларининг талаб ва эҳтиёжлари инобатга олиниб, ушбу сув омбори қурилишини белгиланганидан бир йил олдин бошлашга қарор қилинди. Шу муносабат билан зиммамизга катта масъулият юклатилди, тезкорлик билан ишлаш тақозо этилди. Лойиҳалаш бўйича оператив группа ташкил этиб, Қизилқумга йўл олдик. Техник лойиҳалар ва ишчи чизмалари қурилиш объектининг шундоқ ўзида, қурувчилар билан ҳамкорликда, бамаслаҳат ҳал этиляпти.

Шўркўл сув омбори Бухоро областида деҳқончиликни тағин ҳам ривожлантириш учун хизмат қилувчи энг самарали гидроиншоотдир. Мутахассислар образли қилиб: «Шўркўлнинг бир ҳовуч суви — бир ҳамён олтинга тенг!» — деб айтишяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, Шўркўлда жамланадиган Зарафшон ва Амударё сувларинг ҳар томчиси ҳам нес-нобуд бўлмай, бетон каналлар, ариқлар орқали тўғри пахтазорларга, боғ-роғларга оқади. Чўл зоналари ва массивларидан кўплаб янги ерлар ўзлаштириш истиқболини очиб беради.

Шўркўл сув омбори бағрида 425 миллион куб метр об-ҳаёт сиғдириш мўлжалланган. Қуювчи канал ўзанидан секундига 50 куб метр сув оқиб ўтади. Мовий денгиз мавжлари 45 квадрат километрни ташкил этиб, унинг ўртача чуқурлиги 12 метрдан ошади. Унда 120 га яқин йирик ва ўртача катталикдаги гидротехник иншоотлар, шу жумладан, узунлиги 5,5—6 километрли, баландлиги 15 метрга тенг иккита тўғон барпо этилмоқда. 20 миллион куб метрга яқин тупроқ ва темир-бетон ишлари бажарилади. Бу область ирригаторларининг Октябрнинг 60 йиллигига муносиб туҳфаси бўлади.

Қизилқумнинг кимсасиз барханлари, метиндек қирларни оша канал қазиб сув етказилаб келаётган, янги-янги хазиналар тилсимини очувчи денгиз яратиб, халқимизнинг асрий ва эзгу орзусини рўёбга чиқараётган замонамиз фарҳодларига зафарлар ёр бўлсин!

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

СОВЕТЛАР ФАОЛИЯТИ ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

М. П. ГЕОРГАДЗЕ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларини, СССР Олий Советининг яқинда тамом бўлган сессияси якунларини зўр мамнуния билан кутиб олиб, тўла-тўкис маъқулладилар. Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланганлиги жамиятимизнинг энг юксак манфаатларига мос бўлиб тушади ва КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажаришда янги ютуқларни, коммунизм қурилишида янги муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам беради.

СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг кенг авж олганлиги халқ оммасининг ижодий кучларини янада ошириб юборади, омманинг ҳаётий активлиги ва ташаббусини юксалтиради. Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги меҳнаткашлар таъкидлаб ўтганидек, Конституциянинг қабул қилиниши Совет Иттифоқи тараққиётида муҳим тарихий босқич, халқаро аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолади.

Ҳаётимизнинг социал-иқтисодий ва сиёсий соҳаларида, социалистик демократияни такомиллаштириш ва ривожлантиришда, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гарантияларини мустаҳкамлашда эришилган буюк муваффақиятлар СССР Конституцияси лойиҳасида ўз ифодасини топди. Социалистик демократия бутун давлат ва жамоат ҳаётига жорий этилиб амалда халқ манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади, коммунизм ишига хизмат қилади. Бизнинг мамлакатимизда аслини олганда, сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ҳаётнинг меҳнат аҳлининг энг актив, бевосита иштирокисиз муҳокама қилинадиган ва ҳал этиладиган биронта муҳим масаласи йўқ.

Аммо жамиятимизнинг демократизми Советларнинг кўп қиррали фаолиятида ўзининг энг тўлиқ ифодасини топмоқда, дейиш мумкин. Советлар, Конституция лойиҳасининг 2-моддасида айтилганидек, СССРнинг сиёсий негизидир. Коммунистик партиянинг кўрсатмаларига мувофиқ, кейинги йилларда депутатларнинг статуси ҳақидаги Қонун, посёлка, қишлоқ, район ва шаҳар Советлари тўғрисидаги Қонун актлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Булар халқ ҳокимияти органларининг ишини қозирги вазифалар даражасига кўтариш, уларнинг омма билан алоқасини янада кўпроқ мустаҳкамлаш имконини берди. Конституция лойиҳаси ана шу принципиал йўлдан бориб, олға қараб янги катта қадам қўйилганлигидан далолат беради.

Ривожланган социализм шароитида Советлар бутун халқ манфаатларини ифода этувчи органлар сифатида иш кўрмоқдалар. Шу сабабдан ҳокимият органларимиз номининг ўзгариши (меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўрнига халқ депутатлари Советлари деб аталиши) давлатнинг умумхалқ давлати эканлигини, Советларнинг тўла ҳуқуқли ҳокимияти ичил ривожланиб бораётганлигини, уларнинг совет меҳнаткашлари кенг оммасини тобора маҳкам бирлаштираётганлигини, жамиятнинг социал структурасида рўй берган муҳим силжишларни акс эттиради.

Совет давлати демократик централизм принципига мувофиқ ташкил этилади ва иш олиб боради (3-модда). Бу факт жуда катта аҳамиятга эгадир. Асос қилиб олинган ана шу ленинча принцип Советларнинг тузилишида ва ишида ёрқин мужассамлашмоқда. Лойиҳада барча босқичлардаги Советлар системасининг бирлиги қайд қилинган ва давлатнинг бошқа ҳамма органлари Советлар назоратида бўлиб, уларга ҳисоб бериб туришлари таъкидлаб ўтилган. Демократик централизм принципи иқтисодий, социал ва маданий-тарбиявий вазифаларни бажариш жарёнида амалга оширилади, ягона раҳбарликни жойлардаги ташаббускорлик ва ижодий активлик билан бирга қўшиб олиб боришни таъминлайди. Бу ҳолат мамлакатда ягона қудратли халқ хўжалик комплекси таркиб топган ва жамиятнинг ривожланиши тобора планли ва собитқадам тус олаётган бир шароитда алоҳида маъно касб этади.

СССР Конституцияси лойиҳасида (92-93-моддалар) таъкидлаб ўтилганидек, халқ депутатлари Советлари давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларига раҳбарлик қиладилар. Ўз фаолиятини коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижрочи ва бошқарувчи органларнинг мунтазам ҳисоб бериб туриши, уларнинг ишига гражданларни кенг кўламда қатнаштириш асосига қурадилар. Халқ сайлаган икки миллиондан ортиқ депутат, 30 миллионли актив, — В. И. Ленин башорат қилиб айтганидек, халқнинг Советлар томонидан чинакам ёппасига бирлаштирилишидан далолат бериб, ҳозирги кунда чинакам халқ ҳокимиятининг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 17 июнда СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Советлар — халқнинг жонли, ҳаракатчан, доимо янгиланиб турувчи ташкилотидир. Ўз вақтида Советлар оммаонг революцион ҳаракатини, оммаонг социализм қуришдаги куч-ғайратларини умумий бир ўзанга сола билгани каби, эндиликда етук социализм шароитларида Советларнинг иши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, партия белгилаб берган катта социал программани бажариш, социалистик демократиямизнинг ҳамма томонларини ривожлантириш, яъни коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этиш учун олиб борилаётган курашни янада тўлароқ ўз ичига олмоғи керак» Советларга берилган ана шу эзгу ва доно йўл-йўриқлар уларнинг яқин йиллар ичида бажарадиган фаолиятининг аниқ программасидир.

Конституция лойиҳасида Советларнинг иши ва уларни сайлаш тартибига доир масалаларга маҳсус боб бағишланган Лойиҳа ҳамма босқичлардаги Советларни умумхалқ давлат ҳокимияти механизмининг ўзаро боғланган таркибий қисмлари, деб ҳисоблайди. Конституциянинг бу боби, шунингдек СССР Олий Совети ва унинг Президиуми, давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий органларининг ишига доир масалаларга бағишланган моддалари ҳам мамлакат ҳаётининг барча энг муҳим маслаларини ҳал этишда Советларнинг роли тобори ўсиб бораётганлигини яққол исбот этади.

Советларнинг ижрочи — бошқарувчи органлар фаолиятини реал назорат қилиб туриши ҳамиша совет социалистик ваколатчилигининг ўзига хос хусусияти бўлиб келди. Буни характерлаб берувчи бир неча рақамнигина келтириб ўтамиз. Масалан, 1976 йилда маҳаллий Советларнинг сессияларида жамики ижроия комитетларининг 99,6 проценти ҳисоб берди. Шунча миқдордаги ижроия комитетлари аҳоли ўртасида бевосита ҳисоб берди. Депутатлар қўйган масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. 1976 йилнинг бир ўзидагина Советларнинг барча бўғинларидаги депутатлар 73 мингдан зиёд масалани кўтардилар. Буларнинг кўпчилигига сессияларда жавоб берилди, уларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Маълумки, КПССнинг XXV съездида барча ижроия органларнинг сайлаб қўйилган ҳокимият органлари олдида ҳисоб бериб туриши юзасидан янада пухта системани ўрнатиш зарур эканлиги кўрсатилди.

Конституция лойиҳаси съезднинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, ижрочи ва бошқарувчи органларнинг Советлар ва аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб туришларини Советлар фаолиятининг энг муҳим принципи даражасига кўтаради. Бу қоида ваколатли органларнинг ролини янада оширишга, уларнинг контрол функцияларини кучайтиришга қаратилган. Шу муносабат билан 91-модда катта аҳамиятга эгадир. Бу моддада таъкидлаб ўтилганидек, халқ депутатлари Советлари халқ контроли органларини тузадилар, бу органлар давлат назоратини корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотлардаги меҳнаткашларнинг жамоат контроли билан боғлаб олиб борадилар.

Лойиҳада сайлов системаси масалалари Советлар таъриф лаб берилган бобда қараб чиқилган. Бу эса ваколатли ҳокимият органларини тузиш принциплари уларнинг фаолияти принциплари билан узвий равишда бирхил эканлигини таъкидлайди.

Лойиҳада СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг ваколат муддати беш йил қилиб ва маҳаллий Советларнинг ваколат муддати 2,5 йил қилиб белгиланган. Советлар ваколат муддатларининг бир мунча узайтирилиши ваколатли ҳокимият органларининг янада самаралироқ ишлаши учун шарт-шароитларни вужудга келтиради.

СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли икки палатасидан бири — Иттифоқ Советини тузиш принципи бир мунча ўзгаради. Амалда бўлган Конституцияга мувофиқ Иттифоқ Совети 300 минг кишига 1 депутат ҳисобидан сайлов округлари бўйича гражданлар томонидан сайланади. Лойиҳада эса Иттифоқ Советини аҳолисининг сони тенг бўлган Сайлов округларидан сайлаш таклиф этилади. Яна шу нарса ҳам белгиланадики, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидаги депутатларнинг сони баб-баравар бўлади. Шу тарика, Иттифоқ Советига сайлов ўтказиладиган сайлов округларининг сони доимий бўлиб қолиши керак.

Депутатлар фаолиятининг ғоят муҳим эканлиги эътиборга олинибдки, лойиҳага «Халқ депутати» деган 14-боб киритилган. Бу бобда депутатлар статуси ҳақидаги қонуннинг бир қанча принципиал қоидалари баён этилган. Бу қоидаларнинг конституцион йўл билан мустаҳкамланиши халқ сайлаган депутатларнинг обрў-эътиборини ошириши, уларнинг активлигини янада кўпроқ кучайтириши керак.

106-моддага мувофиқ, Конституция билан ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни СССР Олий Совети ҳал этишга ҳақлидир. СССР қонунларини фақат Олий Совет қабул қилади.

СССР Олий Совети Президиуми Олий Советнинг доимий органи қилиб белгиланади ва ўзининг бутун фаолияти ҳақида унга ҳисоб бериб туради. Президиумнинг компетенциясига баъзи ўзгаришлар киритилди.

Лойиҳада СССР Олий Советида қонунчилик соҳасида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи кимларга берилажаги аниқ қайд қилинган. Бу ҳуқуқнинг меҳнаткашларнинг оммавий жамоат ташкилотларига уларнинг умумиттифоқ органлари орқали берилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

СССР Конституцияси лойиҳасининг Советлар мавқеини характерлаб берувчи асосий нормалари мамлакатимиздаги ҳокимият ваколатли органларининг фаолиятида сифат жиҳатидан янги босқич бошланади, деб комил ишонч билан айтиш имконини беради. Ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши бу босқични тақозо этди. Бу босқич Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик демократияни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва такомиллаштириш соҳасида изчил амалга оширилаётган иш билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида бундай деди: «Бизнинг Конституциямиз кенг меҳнаткашлар оммасининг давлат ва жамият ишларини идора қилишда доим кўпроқ, реал иштирок этишининг хилма-хил формалари ва кенг кўламини кўрсатади, оз сонли капиталистлар синфигина ҳақиқатан ҳам бошқараётган буржуа мамлакатлари бунинг нималигини билмайди».

Социалистик халқ ҳокимиятининг шубҳасиз афзалликлари ҳозирги замон буржуа жамиятини қамраб олган оғир кризисли ҳолатлар давом этаётган бир пайтда жуда яққол намоён бўлмоқда. Ғарбда кучайиб кетган ғоявий-сиёсий танглик ҳокимият қоида-тартибларини, шу жумладан парламент механизмини қақшатиб қўйди, ахлоқий қилди. Бу ерда «Амубухараканалстрой» бошқармаси, «Бухараирстрой» трестининг ишчан коллективлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли планировка бўлинмалари, «Союзвзривпром»нинг махсус участкаси, колхоз ва совхозлардан келган зарбдор отрядлар жасорат кўрсатиб ишлашяпти. Юзлаб бульдозер ва грейдерларнинг ҳайқириғи Қизилқумни асрий уйқудан уйготиб юборди. Қудратли «МАЗ» ва «КРАЗ»лар эса гидроиншоот бунёдкорларининг оғирини енгил қилмоқда. Г. Гавриков, М. Ичимбетов, Р. Хусенов, С. Нормуродов, М. Гринштейн сингари турли миллат фарзандларидан ташкил топган бульдозерчи зарбдор бригадаларнинг азамат коллективлари сув омбори қурилишида, айниқса, зўр шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар бир кунда икки кунлик нормани бажариш ташаббусини кўтариб чиқишди. Бу ватанпарварлик ҳаракатига бошқа участкаларнинг қурувчи-монтажчилари ҳам қўшилдилар. Сув қуювчи каналнинг 20 километрдан ошиқ ўзани портлатиш йўли билан қазилди. Бугун-эрта Жилвон канали орқали Шофиркон далаларига ҳар секундда 20-25 куб метр сув оқа бошлайди.

Биз Шўркўл сув омбори лойиҳасининг бош инженери, «Узгипроводхоз» институти ходими Ю. Дьяконов билан учрашиб, Қизилқумда бунёд этилаётган сунъий денгизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Лойиҳани ишлаб чиқиш институтимиз зиммасига юклатилган эди —дейди у. — Дастлаб қурилишни 1978 йилда бошлаш планлаштирилганди. Бухоро область деҳқонларининг талаб ва эҳтиёжлари инобатга олиниб, ушбу сув омбори қурилишини белгиланганидан бир йил олдин бошлашга қарор қилинди. Шу муносабат билан зиммамизга катта масъулият юклатилди, тезкорлик билан ишлаш тақозо этилди. Лойиҳалаш бўйича оператив группа ташкил этиб, Қизилқумга йўл олдик. Техник лойиҳалар ва ишчи чизмалари қурилиш объектининг шундоқ ўзида, қурувчилар билан ҳамкорликда, бамаслаҳат ҳал этиляпти.

Шўркўл сув омбори Бухоро областида деҳқончиликни тағин ҳам ривожлантириш учун хизмат қилувчи энг самарали гидроиншоотдир. Мутахассислар образли қилиб: «Шўркўлнинг бир ҳовуч суви — бир ҳамён олтинга тенг!» — деб айтишяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, Шўркўлда жамланадиган Зарафшон ва Амударё сувларинг ҳар томчиси ҳам нес-нобуд бўлмай, бетон каналлар, ариқлар орқали тўғри пахтазорларга, боғ-роғларга оқади. Чўл зоналари ва массивларидан кўплаб янги ерлар ўзлаштириш истиқболини очиб беради.

Шўркўл сув омбори бағрида 425 миллион куб метр об-ҳаёт сиғдириш мўлжалланган. Қуювчи канал ўзанидан секундига 50 куб метр сув оқиб ўтади. Мовий денгиз мавжлари 45 квадрат километрни ташкил этиб, унинг ўртача чуқурлиги 12 метрдан ошади. Унда 120 га яқин йирик ва ўртача катталикдаги гидротехник иншоотлар, шу жумладан, узунлиги 5,5—6 километрли, баландлиги 15 метрга тенг иккита тўғон барпо этилмоқда. 20 миллион куб метрга яқин тупроқ ва темир-бетон ишлари бажарилади. Бу область ирригаторларининг Октябрнинг 60 йиллигига муносиб туҳфаси бўлади.

Қизилқумнинг кимсасиз барханлари, метиндек қирларни оша канал қазиб сув етказилаб келаётган, янги-янги хазиналар тилсимини очувчи денгиз яратиб, халқимизнинг асрий ва эзгу орзусини рўёбга чиқараётган замонамиз фарҳодларига зафарлар ёр бўлсин!

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

АСР ҚУРИЛИШИГА

Байкал—Амур магистрали қурилишида Ангрен керамика комбинати маҳсулоти жуда асқотмоқда. Яқинда Ангрен станциясидан яна бир темир йўл состави Шарққа қараб йўл олди. Ангренликлар икки миллиг комплектдаги зиёд фаянс буюмлари ва қарийб ўн минг квадрат метр пардозлаш плитасини БАМга жўнатдилар. Ушбу плиталарнинг етти хилига давлат Сифат белгиси берилган.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористлари Нина Когай йил бошидан бери 6600 норма-соат ишлаб, икки йиллик планни адо этгани ҳақида рапорт берди.

Корхонада кўп йиллардан бери тер тўкиб келаётган Н. Когай бундай муваффақиятга ишлаб чиқариш технологиясини ипидан-игнасигача билганлиги, бешта турдош касбни ўзлаштириб олганлиги, илғор тажрибаларга суянганлиги туфайли эришди.

Илғор тикувчи бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормасини адо этиш мажбуриятини олган.

ЧЎЛДАГИ ДЕНГИЗ

Қарши чўлидаги муҳим қурилишлардан бири Толлимаржон сув омборидир. Бу йил инсон қўли билан яратилган сунъий денгизда 350 миллион куб метр Амударё суви жамланиши керак. Қурувчилар мураккаб, аммо шарафли вазифанинг уддасидан чиқиш учун мусобақанинг қудратли қучидан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар.

Қурилишда анчагина ишлар амалга оширилди. Узунлиги 23 километрли айланма канални бунёд этиш тугалланди. Дамба тиклаб бўлинди. Ҳозир асосий тўғонни барпо этиш қизғин давом этяпти. Тўғон бағрига 30 миллион куб метр тупроқ ташлаш зарур.

Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақада экскаватор машинистларидан Ф. Гримайло, А. Бабийчук, В. Буянов, В. Ким, бульдозерчилардан М. Осовский, Б. Ҳошимов, В. Гнездиловлар рекорд кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

ДИПЛОМЛИ «ТЕМИР»

«Водстройиндустрия» бирлашмасининг эксперименталь базасида «Темир» деб аталувчи/ бошқариш системасини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу системанинг приборлари йирик суғориш каналларига ўрнатилади. Ҳадемай, системанинг беш хил комплекти Қозоғистон ирригаторларига юборилади.

Суғориш тармоқлари фаолиятини бошқарувчи янги система ўтган йили халқаро Лейпциг ярмаркасида намойиш қилиниб, диплом билан тақдирланган эди.

ЁШЛАР ТАШАККУРИ

Барча совет халқи каби Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг йигит ва қизлари ҳам янги Конституция лойиҳасини шод-хуррамлик билан кутиб олдилар.

СССР янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиш Қорақалпоғистон ёшларининг КПСС съездлари тарихий қарорларида комсомол олдига қўйилган вазифаларни бажариш тўғрисида партия ва халқ олдида ҳисоб беришга айланиб кетди.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган доклади комсомол ёшларни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда. Улар Ўртоқ Л. И. Брежнев докладини, СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқиб, ўз зиммаларига янги оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар, кундалик топшириқларни ортиғи билан адо этмоқдалар. Ёшларнинг ташаббускорлиги нақадар ўсганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, умумхалқ муҳокамаси давомида 195 комсомол ёшлар коллективи беш йилликни 3,5—4 йил ичида бажаришга аҳд қилди. 25 июнь куни бўлиб ўтган комсомол ёшлар шанбалиги ҳам уларнинг ғайрат ва шижоати жўш ураётганлигини кўрсатди. Бу шанбаликда 150 мингдан ортиқ йигит ва қиз қатнашиб, 100 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида сайлов системаси тўғрисидаги сатрлар комсомол ташкилотларида жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиийдир. Янги Конституция қабул қилинганч, минглаб комсомоллар давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу жамиятимизнинг ўсиб келаётган авлод тўғрисидаги ғамхўрлиги, давлатимизнинг ёшларга юксак ишончи далилидир.

Қорақалпоғистоннинг 114 минг кишилик комсомол отряди Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилни, СССР Янги Конституцияси қабул қилинадиган йилни коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида фидокорона меҳнат билан нишонлаш ва меҳнатда янги ғалабалар билан якунлаш учун социалистик мусобақани янада авж олдирадилар.

К. ДЎШИМБОЕВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

ЧИН ҚАЛБДАН

Она-Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби мактабимиз педагогик коллективи ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети май Пленуми қарорларини зўр шодлик, қувонч билан кутиб олдилар. Ҳаётимизнинг асосий Қомуси СССР Конституцияси лойиҳасини мактабимизда пухта ўрганиб, кенг муҳокама қилдик.

Лойиҳанинг 45-моддасида: СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар; 66-моддасида эса: «СССР гражданлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари шарт», дейилган. Бу илҳомбахш сатрлар биз тарбиячиларни янги зафарларга чорлайди, илҳомлантиради.

Мактабимизнинг 50 нафар ўқитувчи-тарбиячилари мингга яқин ўқувчи-ёшларга ўқув билим бериш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, халққа, Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш учун ҳормайтолмай меҳнат қиляптилар. Шубҳасиз, бундан кейин ҳам касбни ардоқлаб ,халқимиз ва Ватанимиз олдидаги бурчимизни давр талаби бўйича бажаришга ҳаракат қиламиз ва Конституция лойиҳасини чин қалбдан маъқуллаб, зўр мамнуния билан қўллаб-қувватлаймиз.

Р. ЕДГОРОВ,
Риштон райсиндаги Ҳамза номли 38-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

Мажбуриятларни бажариш—муқаддас бурч

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУНЛАР

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги омманинг сиёсий активлигини, меҳнат ғайратини беқиёс ошириб юборди. Конституция лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда қишлоғимиз меҳнаткашлари Асосий Қонуннинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилганлигини таъкидладилар, бу оталарча ғамхўрликка фидокорона меҳнат билан жавоб беришга азму қарор қилдилар.

Шу кунларда колхозимиз азаматларининг куч-ғайрати юбилей йили режаларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган. Белгиланган марралар юксак, уни эгаллаш масъулиятли бурчимиздир. 1815 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан, жами 8100 тонна ҳосил йиғиб олишимиз, жамоат чорвачилигининг рентабеллигини оширишимиз, бунинг учун маккажўхори ва беда ҳосилдорлигини кескин кўтаришимиз, шу тариқа чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашимиз, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришимиз зарур.

Кимнинг қандай ишлаганлиги қабул қилинган мажбурият билан эмас, балки унинг амалда қандай бажарилганлиги билан баҳоланади. «Мажбурият олдингми, уни бажар!» деган сўзнинг мазмуни шуни тақозо этади. Хоразм деҳқони ҳамиша ваъдага вафо қилиб, сўз билан ишнинг бирлигини таъминлаб келмоқда.

Мажбурият қандай бажарилаётганлиги тўғрисида хўжалигимиз мисолида қисқача сўзлаб бермоқчиман. Гапни илк хирмонимиз — пилладан бошлай: 27 тонна ўрнига 28 тонна «кумуш тола» етказиб бердик. Давлатга гўшт сотиш йиллик плани ошириб бажарилди: 590 центнер, яъни планда белгиланганидан 50 центнер кўп бўрдоқи гўшти етиштирилди. 2580 центнер ўрнига 3000 центнерга яқин сут тайёрлаб, ярим йиллик планни ортиғи билан адо этдик. Йиллик планга кўра, 125 минг дона тухум тайёрланиши керак, ҳозиргача 110 минг дона тухум етказиб берилди, йиллик топшириқ июль ойида бажарилади. Давлатга мева сотиш йиллик плани 340 центнер ўрнига 440 центнер қилиб адо этилди, яна 220 центнер мева тайёрлашга сўз бердик, шунда икки йиллик план уддаланади. 4870 центнер сабзавот, 7500 центнер полиз маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажариш қатъий аҳдимиздир.

Мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш чорвачиликни рентабелли, сердаромад соҳага айлантиришнинг муҳим шарти эканлигини ҳисобга олиб, ҳар гектар ердан 100 центнер маккажўхори дони, камида 500 центнер силосбоп кўкпоя, 200 центнер беда йиғиб олишни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик. Беда майдонимиз 253 гектар, шунинг 128 гектари янги беда-зор, уч марта ўрим ўтказилиб, бу тўйимли озуқадан юқори ҳосил олинди. Пландаги 1270 тонна ўрнига 1360 тонна сенаж бостирилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Собир Каландаров бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 120 центнер маккажўхори дони олиш учун курашмоқда. Маккажўхоридан 10 минг тонна силос бостириш мажбурияти ҳам, албатта, бажарилади. Илғор маккажўхорикорларнинг, Бика Собирова, Гулчеҳра Ражабова, Қутли Саъдуллаева каби донгдор сут соғувчиларнинг тажрибаларини кенг ёйиб, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани қизғин авж олдирмоқдамиз.

Пахтачилик — хўжалигимизнинг етакчи тармоғи. Пахтакорларимиз ҳар қандай шароитда ҳам, табиат қийинчиликлари юз берган йилларда ҳам рекорд ҳосил етиштирмоқдалар. Бу йил ҳам деҳқончилик учун қулай келгани йўқ, мислсиз сув танқислиги юз берди. Аммо, бугун биз қатъий ишонч билан айта оламизки, қаҳрамонона меҳнат жасорати туфайли, партия ва ҳукуматнинг катта моддий-техника ёрдами натижасида қийинчиликларни бартараф қилишга ва мўл ҳосил учун замин яратишга муваффақ бўлдик. Гектарларимиз бут, кўчатлар сони тўлиқ. Ғўзалар ёппасига гуллаб, кўсаклаш даврига кирди.

Ҳозиргача ғўзаларга уч марта комплекс ишлов берилди, ҳар гектар ерга 30 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит, азотли ўғитларнинг тўла нормаси солинди. Иккинчи марта суғориш нихоясига етай деб қолди. Суғоришдан кейин культивация ўз вақтида ўтказилиб, тупроқ юмшоқ, майин ҳолатда сақланаётир. Ғўза кун сайин яшнаб, гул ва кўсаклар тобора кўпаймоқда. Далада бир туп ҳам бегона ўтнинг ўсишига, ҳашарот таркалишига йўл қўйилмаётир.

Далаларда 40 та трактор культиватори бетўхтов ишлаб турибди. Ш. Эгамбердиев, К. Қозоқов, О. Шерматов сингари дала гвардиячилари ғўза қатор ораларини культивациялашда жонбозлик кўрсатишяпти. 300 га яқин сувчи эрта-ю кеч далада. Сувдан тежаб фойдаланиб, ғўзани яшнатяпти. М. Қурбонов, Ж. Раҳимов, Д. Ҳожиева каби уста сувчилар ғўзага «шарбат» беришда фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Биз июль ойида ҳар бир туп ғўзада камида 12-14 тадан кўсак тўплашга эришиш, экинга бир ярим марта, қолоқ ғўзаларга икки марта комплекс ишлов бериш, ҳар гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит солиш тадбирларини белгилаб, изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Суғориш экиннинг ҳолатига ва талабига қараб ўтказилмоқда. Оз сув билан кўпроқ майдонда ғўзани қондириб суғорган илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилаётир. Сувни жилдиратиб оқизиш, «шарбат» усулида суғориш каби тажрибалар кенг қўлланилмоқда. Об-ҳаво жуда иссиқ келган бу йилги ёз шароитида экинни салқинда ва кечаси суғоришнинг фойдаси каттадир.

Суғориш ва культивациялаш бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан дарҳол культивациялаш ўтказилади, тупроқ юмшоқ ҳолда тутилиши ўнда намни узоқ сақлашга имкон беради. Механизаторларимиз культиваторларга ишчи органларини тўла тақиб ишлатишга, тупроқнинг белгиланган чуқурликда юмшатилишига, туп сонларини ҳосил пишиб етилгунча сақлаб қолишга алоҳида эътибор берадилар. Мусобақа шартларининг бажарилишини якунлаш вақтида ишнинг сифат кўрсаткичлари назарда тутилади.

Бу йил 5 минг тонна пахтани машиналар билан йиғиб олишни планлаштириб, 1000 гектардан кўпроқ майдонни машина терими учун ажратдик. 800 гектар майдонда уруғлик пахта етиштирмоқдамиз. Бу участкаларда ҳам кейинги терим машинада ўтказилади. Машина теримига ажратилган далалар йирик, яхлит, текис карталардан иборат. Ғўзалар калта бўғин, машинабоп қилиб ўстирилаётир. Бегона ўт йўқотилган, ҳашаротга қарши профилактик тадбирлар амалга оширилган. «Ўзбекистон» маркали 24 та тўрт қаторли терим машинаси, прицеплар ремонтдан чиқарилди ва тахт қилиб қўйилди. Техника паркини такомиллашган янги терим машиналари билан бойитиш кўзда тутилмоқда.

Далаларда тер тўкаётган азаматлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш правление ва партия ташкилотининг, бригада бошлиқларининг диққат марказида. Дала шийпонларида механизаторлар, сувчилар ва барча колхозчилар иссиқ таом, мева билан таъминланаётир, маданий ва маиший хизматдан баҳраманд бўлишяпти. Мусобақа илғорлари моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

Колхозимиз аъзолари ҳалол меҳнат фаровон турмуш гарови эканлигини яхши тушунадилар.

Коллектив хўжаликнинг даромади кўпайиб, жамоат бойлиги ошгани сари деҳқонларнинг моддий ва маданий ҳаёти яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили умумий даромадимиз 5 миллион сўмга яқинни ташкил этди. Бўлинмас фондга, капитал қурилишга ажратилган маблағ кўпайди, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ўсди. Колхоз қишлоғини шаҳар типида қайта қуриш, хуторларни тугатиш, коммунал-маиший ва маданий хизмат соҳасида ҳар тарафлама қулайликларга эга бўлган экспериментал посёлкани бунёд этиш жадал суръат билан олиб борилаётир. Бу ишларда давлатнинг катта ёрдами ва ғамхўрлигини яққол ҳис қилиб турибмиз. Ишлаб чиқариш планига кўра, бу йилги даромадимиз 5 миллион 500 минг сўмга етади. Демак, хўжалигимиз экономикаси янада юксалади, колхозчиларнинг турмуши янада фаровонлашади.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятларни барча соҳалар бўйича муддатидан илгари бажариб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига муносиб совға ҳозирлаш — қатъий аҳдимиз ва шарафли вазифамиздир. Биз ваъдага вафо қилиш йўлида жўшкин илҳом ва ғайрат билан меҳнат қилаверамиз.

Аҳмаджон ЮСУПОВ,
Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор.

РЯЗАНЬ. Нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқаришни автоматлаштирилган бошқариш системасининг биринчи навбати ишга тушди. Бу система машина-ускуналарининг иш унумини оширишга, корхонада ишлаб чиқарилаётган мойлаш материалларининг сифатини яхшилаш имконини беради. Ҳозир ана шу система иккинчи навбатининг ускуналарини монтаж қилиш ва созлаш ишлари олиб борилмоқда. У Улуғ Октябрнинг юбилейи арафасида ишга тушади.

НОВОМОСКОВСК (Тула области). «Азот» бирлашмасининг коллективи беш йиллик бошидан буён топшириқни қўшимча равишда икки юз минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит ишлаб чиқарди. Бу билан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг муҳим банди бажарилди. Бу бирлашма РСФСР поқоратупроқ зонасидаги хўжаликлар учун энг кўп минерал ўғит етказиб бермоқда.

ВИЛКАВИШКИС (Литва ССР). Вилкавишкис консерва заводи юбилей йилида юз минг тоннадан кўпроқ олмани қайта ишлаб беради. Рекорд ҳосилни қабул қилиб олмоқ учун бу ерда иккита янги линия ўрнатилди. Бу линияларда олма шарбати идишларга қўйилади. Литвадаги консерва заводлари мамлакатнинг савдо ташкилотларига салкам уч миллион банка турли мева етказиб беради.

МАККАЖЎХОРИ ПИШИБ ЕТИЛДИ

Термиз районидаги «Қизил Юлдуз» колхози аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарорини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар, юбилей йилида 1.100 тонна ёки ўтган йилдагидан 300 тонна кўп «каҳрабо дон» етиштиришга азму қарор қилдилар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган қутлуғ санада колхозимиз маккажўхорикорлари давлатга 1100 тонна ёки ўтган йилдагидан 300 тонна кўп дон етказиб бериш мажбуриятини қабул қилдилар. Шуни айтиш керакки, хўжалигимиздаги Т. Қулсоатов бошлиқ донгдор маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари ажойиб натижаларга эришмоқдалар. 1976 йилда 60 гектар майдонга экилган арпанинг гектаридан 38 центнердан дон, шу ернинг ўзига арпа ўриб олингандан сўнг экилган маккажўхоридан 85 центнердан «каҳрабо дон», жами 123 центнердан ҳосил кўтарилди, бу хизматлари эвазига Т. Қулсоатов Ленин ордени билан мукофотланди.

Маккажўхорикорлари м и з бу йил янада юксак мажбуриятларни белгиладилар. Улар тошкентликлар ва Краснодар ўлкаси, шунингдек Чехословакия Социалистик Республикаси ва Болгария Халқ Республикаси маккажўхорикорлари ташаббусига қўшилиб, 130 центнердан дон хирмони кўтаришга аҳду паймон қилдилар.

Т. Қулсоатов бошлиқ етти азамат ваъдасининг устидан чиқиш учун ихтиёрига йил бошида биркитиб берилган 110 гектар майдоннинг 50 гектарига «ДИА» навли куғи арпа экиб, уни шу йил май ойи ўрталарида ўрибянчиб олдилар. Унинг гектаридан 40 центнердан дон хирмони кўтардилар. Шу майдонларга дарҳол тезпишар «ВИР—338» навли маккажўхори уруғи қадалди. Ҳозир бу майдонларда маккажўхори кўкка бўй чўзяпти. Миришкорларимиз ана шу арпа ўрнига экилган маккажўхорининг ҳам гектаридан камида 90 центнердан дон етиштириш, арпа-маккажўхори бўлиб 1 гектар суғориладиган ер ҳисобига 130 центнердан дон хирмони кўтаришга сўз бердилар.

Қолган 60 гектар майдоннинг 50 гектарига дон учун, 10 гектарига эса силос учун маккажўхори экилди. Миришкорлар дон учун экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 110 центнер «каҳрабо дон» етиштиришга азму қарор қилдилар. Ана шу юксак ваҳдни бажариш учун мардонавор меҳнат қилаётган қалби қайноқ маккажўхорикорлар даласида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етилди. Усимлик уч марта озиқлантирилди. Шу жумладан гектарига 130 килограммдан азотли, 120 килограммдан фосфорли, 40 килограммдан калийли минерал ўғит соф ҳолда солинди. Бундан ташқари калий билан қўшиб берилгани ҳисобланганда гектар бошида 3 тоннадан органик ўғит солинди. Ҳозиргача ўсимлик тўрт марта ўтдан қондириб суғорилди. Шу кунларда бешинчи сув таратиш тугалланиб, мавсумда ўсимликлар икки марта ўтдан тозаланиб, бир марта бачки новдалари юлинди ва ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 50 минг туп ўсимлик бўлиши таъминланди.

Маккажўхорикорлари м и з ҳосил ўрим-йиғимини қисқа муддатда — бир ҳафта ичида тугаллаш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун иккита «Херсонец-7», «КОП-1,4» ва битта «КС-2,6» маркали комбайн, соатига 8 тоннагача донни сўтадан ажратиб ва тозалаб берадиган иккита «БП-6М» агрегати ҳамда соатига 30 тоннагача дон ортадиган битта «ЗМ-30» маркали машина ва механизмлар тахт қилиб қўйилди.

Биз маккажўхори ўрим-йиғимини 18 июлга тўла тамомлаш чора-тадбирларини белгиладик. Бунинг учун зарур моддий-маиший шароитлар яратилади. Машина-механизмларни икки сменада ишлатадиган кадрлар тайёрлаб қўйилди. Маккажўхориси ўриб олинган ерларга эса зудлик билан силос учун такрорий маккажўхори экилади. Бунинг гектаридан камида 300 центнердан силосбоп кўкпоя олиш мўлжалланяпти.

Кези келганда шуни айтиш керакки, маккажўхоридан хўжаликка катта даромад келяпти. Масалан, колхозимиз 1976 йилда бошқали дон экинларидан 14882 сўм, дон учун экилган маккажўхоридан эса 5087 сўм даромад олдилар. Бир центнер бошқали донининг таннархи 5 сўм 27 тийин, бир центнер маккажўхори дони эса 3 сўм 97 тийинни ташкил этди. Бу йил даромадининг бир ярим баравар ошиши кўзда тутиляпти. Мана шу ютуқларни ҳисобга олиб, биз маккажўхори майдонларини йил сайин муттасил кенгайтириб борish, ҳосилдорликни янада ошириш борасида конкрет чора-тадбирлар белгилаб, перспектив планга киритдик.

Ж. АВЛИЕҚУЛОВ,
Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг раиси,
К. ПУЛАТОВ,
партия комитетининг секретари.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАР

Ўтган ўқув йили якунларига биноан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада республикадаги қишлоқ ва шаҳар ҳунар-техника билим юртларининг талабаларидан 230 аълочи ғолиб чиқди. Улар Кремлда суратга тушиш ҳуқуқига мушаррaф бўлдилар.

Нукусдаги 39-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси, бўлғуси қурувчи Марат Сейтжамолов бундай деди: «Ишлай бошлаганимда самарали ва сифатли меҳнат қилиш —менинг асосий бурчим бўлади. Шунинг учун ҳам мен ҳозир яхши ўқимоғим керак». У ўз сўзига астойдил амал қилмоқда: Марат — Ленин стипендиати, ўз билим юртида Октябрь революцияси шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ғолиби деб топилди.

Бухородаги 100-ҳунар-техника билим юртидан дуғоналар Дилбар Хўжаева билан Гулчоҳра Насруллаева ҳам мусобақада ғолиб чиқишди. Улар ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанларидан кейин Бухоро ип газлама комбинатида ишлайдилар. Қизлар яхши тўқувчи бўлиб етишиш учун интилмоқдалар. Уларнинг иккаласи ҳам ўқув аълочилари, актив жамоатчи, комсомол комитетининг бюро аъзоларидир. Дуғоналар кўпгина кўрсаткичлар бўйича баб-баравар бормоқдалар. (УзТАГ).

Оламда нима гап

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

СССР янги Конституцияси лойиҳаси Совет Иттифоқи учунгина эмас, балки бутун жаҳон учун ҳам ниҳоятда муҳим ҳужжатдир. Шу боисдан чет эл матбуоти, жаҳондаги прогрессив кишилар, сиёсий арбоблар ва жамоат арбоблари ҳамон бу ҳужжатга алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар.

СССР янги Конституцияси лойиҳаси менда катта таассурот қолдирди. Совет Социалистик давлатининг асосий вазифалари унда мукаммал юридик нормаларда ўз аксини топган.

Конституция лойиҳасининг барча моддаларида Совет давлатининг ўз гражданлари ҳақидаги ғамхўрлиги сезилиб туради. Социалистик гуманизм элементларини янада ривожлантиришнинг улкан манзаралари унда лўнда ва конкрет ифодаланган. Чунончи, 14-модда кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг тўлиқ қондириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлигини маълум қилади. 19-модда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишга даъват этади 35-модда эса хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга эканликларини гарантиялайди. Конституция шунингдек, меҳнат қилиш ҳуқуқини, малакали бепул медицина ёрдами кўрсатиш, илм олиш ва бошқа ҳуқуқларни гарантиялайди.

Ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, лойиҳа ниҳоятда аниқ ва изчил, юридик баёнлар эса лўнда.

Шу муносабат билан СССРда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилганлигини — мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ҳатти-ҳаракатлар қилишига йўл қўймаслик, судьялар мустақил ва фақат қонунгагина бўйсунажаклари, прокуратурага қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини юқоридан назорат қилиш юклатилганлигини таъкидлаш лозим.

Конституция лойиҳаси социалистик жамиятнинг коммунизм йўлидаги муваффақиятли одимларини акс эттиради. Гражданларнинг қонун лойиҳаларини ҳамда умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик қарорларни ишлаб чиқишда қатнашувини гарантияловчи, меҳнаткашлар ва жамоат ташкилотларининг давлатни бошқаришда тобора кўпроқ қатнашувига имкон берувчи нормативҳужжатлар ана шундан далолат беради.

СССР Асосий Қонуни лойиҳаси қардош совет халқларининг инсониятнинг асрий орзуси — коммунистик жамият қуриш учун курашда эришган улкан ютуқлари шаҳодатномасидир.

Армандо ТОРРЕС,
Куба Республикасининг юстиция министри.
(АПН).



Чехословакиядаги машҳур «ЧКД» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграцияси комплекс программасини амалга оширишда муваффақиятли қатнашмоқда. Уттиздан зиёд заводни бирлаштирувчи бу комбинат асосан тепловоз, троллейбус ва трамвайлар, газотурбиналар, совутиш қурилмалари ва бошқа хил машиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб бормоқда. 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинаётган бундай маҳсулотларнинг кўп қисмини социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олмоқда. Суратда: СССР территориясида қурилаётган газопроводлар учун мўлжалланган ускуналарни йиғув пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ: ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Болгария Фанлар академиясининг президенти академик А. Балевский «Земеделско знаме» газетасида босилган суҳбатида Совет — Болгария илмий-техникавий ҳамкорлигига юксак баҳо берди. У ҳар икки қардош мамлакат ўртасида фан ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳар йили шартномалар имзоланаётганлиги ва янги шартнома, битим ҳамда протоколлар тузилаётганлигини айтди.

Ҳар иккала мамлакатнинг олимлари ўтган беш йилликда 460 илмий-техникавий проблема юзасидан биргаликда иш олиб бордилар.

Биргаликда қилинган ана шу меҳнат, деди А. Балевский, самарали натижалар берди. Янги илмий кашфиётлар қилинди, элементар зарралар назарияси ва космик нурларни тадқиқ этишга доир бир қанча қимматли асарлар чоп этилди. Болгария олимлари «Академик Курчатов» ва «Дмитрий Менделеев» кемаларида уюштирилган йирик илмий экспедицияларда қатнашдилар.

ГДР: МУТТАСИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲА

ГДР электрон ва электротехника саноатида ишлаётган 430 минг меҳнаткаш йилнинг биринчи ярмини муваффақиятли тамомлади. Улар шу давр ичида пландан ташқари 500 миллион маркаликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Шу йилнинг дастлабки олти ойи ичида эришилган кўрсаткичлар бу соҳа тез ривожланиб бораётганлигини исбот этади. Шу соҳадаги корхоналар бир иш кунида ўрта ҳисобда 96 миллион маркалик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу — 1975 йилда бир иш кунида тайёрланган маҳсулотдан қариб 20 миллион маркалик ортиқдир. Кейинги йил мобайнида шу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 13 баравардан зиёд кўпайди.

КУБА: КАРНАВАЛ БОШЛАНДИ

Куба пойтахтида ўзига хос ранг-баранг байрам — ҳушчақчақ карнавал бошланди. Гавананинг соҳил бўйидаги Малекон кўчасида шўх музика садолари янграб турибди. Ранг-баранг аравалар — карроespecial шу кўчадан ўтиб бормоқда. Музикачилар ва раққосалар, пойтахтдаги корхоналар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг халқ рақсларини ижро этишда ўзаро мусобақа ўтказаётган вакиллари шу араваларга тушиб олганлар.

Мамлакат ҳаётидаги шонли сана — Миллий қўзғолон куни арафасида бундай карнавалларни ўтказиш анъана бўлиб қолди. Республикада Миллий қўзғолон куни 26 июлда нишонланади. Бу йилги карнавал ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалига тайёргарлик шиори остида ўтказилади.

(ТАСС).

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШ

Белград учрашуви ўзаро айблашлар майдонига айлантириб юборилмаслиги керак, деди Германия социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт Финляндияда чиқадиган «Суомен кувалехти» журналининг мухбири билан суҳбатда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашдан кейин ўтган икки йил — Европа тараққиётида жуда қисқа давр бўлса-да, лекин унинг катта сиёсий аҳамияти жуда яққол намоён бўлди. Ана шу давр мобайнида муайян тараққиётга, айниқса давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатлар соҳасида тараққиётга эришилди.

В. Брандт сўзини давом эттириб, бундай деди: Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг эришган ютуқларига яна тўхталиб, бу соҳада ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ, деяётган кишиларга бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Мен бунда Прикарпат ҳарбий округи қўшинларининг ҳарбий машқларини кузатиш учун вакиллар юбориш тўғрисида Совет Иттифоқи ҳукуматининг ГФР ҳукуматига таклифнома юборганини назарда тутмоқдаман. Бу жуда диққатга сазовордир. Ўтмишда ўзаро кўп марталаб урушган икки мамлакат бирбиригa анча яқинлашишга эришдилар. Бу катта аҳамиятга эга эмасми, ахир?

Ж. ФОРДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

АҚШнинг собиқ президенти Ж. Форд АҚШ билан СССР ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида янги битимни тезроқ тузиш кераклигини айтди.

Ж. Форд Ассошиэйтед Пресс агентлиги радиоэшиттириш хизмати маҳаллий ходимларининг Вейл шаҳрида (Колорадо штати) ўтказилган съездида сўзлаган нутқида бундай битимнинг имзоланиши Қўшма Штатларнинг, Совет Иттифоқининг ва умуман бутун инсониятнинг энг зарур манфаатларига мос бўлиб тушади деди.

Ж. Форд ҳозирги пайтда Совет — Америка музокараларининг боришидан «ҳафсаласи пир бўлганлиги»ни билдирди. Картер маъмурияти раҳбарлигининг янги услуби ва унинг янги таклифларини эътиборга олганда, деди у, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида навбатдаги битимни тузиш пайсалга солинса керак. Мен, деб таъкидлади Ж. Форд, бундай битимни шу йил 3 октябргача имзолаш имконияти бор, деб ўйламайман (Ҳозир амалда бўлган муваққат битим муддати 3 октябрда тамом бўлади).

СУДАНДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

«Ас-Сахафа» газетаси қуйидагиларни хабар қилди: Суданнинг Қизил денгиз соҳилидаги вилоятида бундан бир неча кун илгари «коммунистик фаолият билан шуғулланган» бир гуруҳ кишилар қамоққа олинди.

Газета шу йилнинг 15 июнида Судан портида Компартия аъзоларининг яна бир группаси қамоққа олинганлигини эслатиб ўтади. (ТАСС).

ПОКИСТОНДАГИ АҲВОЛ

Покистондаги Синд вилояти ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи генерал-лейтенант Жаҳонзеб Арбоб айтдики, қуролли кучларнинг мамлакатдаги ҳокимиятни қўлга олишлари зарур бўлиб қолган эди. Чунки март ойида ўтказилган ялпи сайловдан кейин Покистонда вужудга келган танглликни сиёсий партиялар бартараф қила олмадилар.

Матбуот Покистоннинг энг йирик Панжоб вилояти ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи генерал-лейтенант Муҳаммад Иқбол Хоннинг бир қанча буйруқларини босиб чиқарди. Панжоб вилоятида ҳар қандай сиёсий фаолият тақиқланади. Ҳар қандай митинг, маросим, намойиш ва йиғилишлар, касаба союзларининг фаолияти, забастовка ва локаутлар тақиқланади. (ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЁСИ:

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ПОЙМОЛ ЭТИЛМОҚДА

Америка хотин-қизлари мамлакатдаги ишчи кучларининг қарийб ярмини (АҚШда иш билан банд бўлган кишиларнинг 41 процентини) ташкил этади. Хотин-қизлар шафқатсиз эксплуатация қилинмоқда. Бу эксплуатация йил сайин кучайиб бормоқда. Ишлаб турган хотин-қизларнинг кўпчилиги, деб таъкидлайди «Ю. С. ньюс энд Уорлд рипорт» журнали, зўр маланхи талаб этмайдиган ва жуда кам ҳақ тўланадиган ишларни бажармоқдалар.

Расмий маълумотларга қараганда, эрканлар билан хотин-қизларга тўланадиган иш ҳақи ўртасидаги тафовут доим ортиб боряпти. 1956 йилда тўла иш куни меҳнат қилган хотин-қизларнинг ўртача иш ҳақи эркаклар иш ҳақининг 63 процентини ташкил этган бўлса, 1974 йилда, яъни тенг меҳнат учун бар-баравар ҳақ тўлаш ҳақидаги қонун қабул қилинганидан кейин 13 йил ўтгач, 57 процентни ташкил этди.

Ўзининг «демократик» тартиблари билан доим мақтаниб келаётган бу мамлакатда конституция хотин-қизларнинг ҳуқуқларини шу вақтгача таъминламаётганлиги сабабли Америка хотин-қизларининг тенг ҳуқуқ учун нураши мушкуллашмоқда.

1971 йилда АҚШ конгресси хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг тазйиқи остида ниҳоят конституцияга тузатиш қабул қилди, бу тузатиш эркаклар билан хотин-қизларнинг қонун олдидаги тенглигини эълон қилди. Аммо бу тузатиш ҳанузгача кучга киргани йўқ, чунки уни Америкадаги тўртдан уч штатнинг қонун чиқарувчи органлари ратификация қилган эмас.

(ТАСС).

ФАКТ ВА ШАРҲ

ЕНГИЛ САНОАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Ўзбекистон енгил саноати ўнинчи беш йиллиқда» деган тематик кўргазма очилди. Мухбиримиз Кўргазма директори ўринбосари Юрий Лукьянович МАЛАХОВдан бу воқеани шарҳлаб беришни сўради.

— Маълумки, республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, — деди Ю. Малахов, — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказадиган тадбирлар орасида тематик кўргазмалар алоҳида ўрин тутади.

Етмишдан зиёд корхонани бирлаштирувчи республика енгил саноатининг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ҳамда ўнинчи беш йиллиқда унинг янада ривожланиш истиқболлари кўргазмалар павильонидаги текстли стенд ва чиройли экспонатларда, диаграмма ва фотосуратларда ўз аксини топган. Ўзбекистон тўқимачилари, пойафзалчилари, чиннисоз ва тикувчилари, ўйинчоқсоз ва андазасозлари томошабинлар ҳукмига ўзларининг энг яхши маҳсулотларини ҳавола этишган.

Совет ҳокимияти йилларида серқуёш республикамизда рўй берган бекиёс ўзгаришларни енгил саноатнинг ана шу кўргазмасида ҳам кўриш мумкин. Илгари асосан қўл кучига асосланган косибчилик ва майда ҳунармандчиликдан иборат бўлган бу тармоқда эндиликда қудратли машиналар, автомат линия ва комплекс механизациялашган линиялар кенг қўлланилмоқда. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, республикамизда 1940 йилда 107 миллион метр ипгазлама тайёрланганди. Ўтган йили эса 226,4 миллион метр газлама ишлаб чиқарилди. Шу беш йиллик охирига бориб, бу кўрсаткич 347,1 миллион метрни ташкил этади.

Республика енгил саноатида капитал қурилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадларга беш йиллиқда 441,5 миллион сўм ажратилган, бу олдинги беш йилликдагидан 1,5 баравар кўпдир. Ўнинчи беш йилликда Андижонда ип газлама комбинати, Попда нотўқима газламалар, Шаҳрисабзда эса пиллакашлик фабрикалари ишга туширилди, Қувасой чинни заводи қуриб битказилади. Умуман, Ўзбекистонда 1980 йилгача тўқиз янги корхона қурилади ва 17 та корхона реконструкция қилинади.

Тармоқ корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга уларнинг сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Павильондаги гулдор ва «Олимпиада-80» эмблемаси туширилган газламалар, турфа гулли атлас ва шойилар, чевар тикувчилар тайёрлаган бежиким уст-бошлару чет элларга ҳам машҳур бўлиб кетган чинни буюмлар, дид билан тайёрланган пойафзал ва чарм буюмлар, чиройли ўйинчоқлар намуналари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Кўргазмани айланиб чиқиб, республика енгил саноатида шу беш йилликда бўладиган ўзгаришлар ҳақида кўп нарса билиб олиш қийин эмас. Кўргазма ой охиригача ишлаб туради.

Х ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Халқларни маънавий бойитиш ва бир-бирига яқинлаштириш, маданият арбоблари дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида Москвада ўтказилаётган кинокўрикларнинг аҳамияти буюкдир. Ер юзининг барча жойларидан келиб, Совет пойтахтида тўпланган экран илғор усталарини даставвал ана шу ғоя жалб этади.

— Мен меҳмон сифатида ҳам, жюри аъзоси сифатида ҳам катта кинокўрикларнинг ҳаммасида бўлганман, — дейди продюсер Рене Тевене (Франция). — Лекин давлат маданиятга Совет Иттифоқидагидек зўр эътибор берганини ҳеч қачон ва ҳеч қаерда кўрган эмасман. Буни ушбу фестиваль жуда соз ташкил этилганлиги ҳам, албатта, ўнинчи кино анжуманининг иштирокчилари ва меҳмонларига Л. И. Брежнев йўллаган ва бизнинг ҳаммамизни тўлқинлантирган табрикнома ҳам ифодалаб турибди.

— Ғоят сермазмун бу табрикнома бизга шундай йўлчи юлдуз бўлиб қоладики, у бугунги кинематография проблемаларини пайқаб олишда бизга ёрдам беради, деб ўйлайман. Бу бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлайдиган йилда алоҳида аҳамият касб этади, — деди киношунос Здислав Орнатовский (Польша).

Чет эллик кўпгина кинематографиячилар бўш қолган ҳар бир минут вақтларидан социалистик революция тарихи билан боғлиқ бўлган жойлар билан, совет халқи ҳаётнинг барча соҳасида эришган муваффақиятлар билан танишиш учун фойдаланмоқдалар. Орамизда Москва фестивалларида бир неча марта қатнашган кишилар бор. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейига, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига, Ленинские Горига экскурсия қилишга қизиқмоқдалар.

— Мен Москва фестивалларида учинчи марта иштирок этмоқдаман, — деб ҳикоя қилади Момар Тиам (Сенегал). — Ҳар гал ҳам менга бу ерда ҳамма нарса тобора қизиқарлироқ туюлади.

Ғарбий Берлиндан келган меҳмон Мор фон Шамье Москва анжуманида еттинчи марта қатнашмоқда.

— Нуфузи, кинозалларининг жуда созлиги, фестиваль аниқ ташкил этилиши жиҳатидан биророрта анжуман сизларники билан тенглаша олмайди, —дейди у. —Москвликларнинг қувноқлиги ва оқ кўнгиллиги айниқса қойил қолдиради.

Машҳур фин актери Вилхо Сивола «Ишонч» фильми устида қандай иш олиб борганлигини эслаб, В. И. Ленинга бағишланган ана шу кинолентани суратга олиш чоғида тўпланган ижодий тажрибанинг катта аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Социалистик революция йўлбошчиси ҳақидаги мавзу чексиздир, деди у. Бу мавзу кинематография воситаси билан янада активроқ ифодаланиши керак. Шунинг учун ҳам биз фин кино арбоблари ана шундай лентани яратишда қурбимиз етганича иштирок этсак ўзимизни бахтиёр санардик. Биз Финляндия ва совет халқларининг дўстлиги, уларнинг тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига қўшган ҳиссаси мавзуини, бундан кейинги биргаликдаги асарларимизда ўз ифодасини топишини чин дилимиздан истаймиз.

* * *

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйишди.

Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

И. ВЕКСЛЕР,
В. ПЕТРЮНЯ,
ТАСС мухбирлари.

«Тоғларда менинг қалбим». Мўйқалам устаси Н. Циганов ўз гравюрасини шундай деб атаб, Бўстонлиқнинг хушманзара, баҳаво ерларини, ҳайвонот оламини акс эттиришга уринган. Расмда қоялар бағридан сизиб, Чотқол дарёсига қуюлувчи Кўксув ҳамда Қоплондара тасвири ўз ифодасини топган.

АМУДАРЁ ЭТАКЛАРИДА ТОШҚИН

Амударё этакларига кўпдан буён орзиқиб кутилган катта сув келди: Тахиатош гидроузелининг тўғони ёзги тошқинни кутиб олди. Тўғондан юқорироқда бошланадиган суғориш каналларида оби-ҳаёт уч-тўрт баравар кўпайиб кетди. Тўғонларнинг дарвозалари очиб қўйилди — секундига бир неча юз куб метр сув гидроузел орқали пастга, пахта далаларига, балиқ боқиладиган кўлларга, шолипояларга, дарё соҳилларидаги яйловларга оқа бошлади.

То бунга қадар сув етишмасди. Қорақалпоғистоннинг пахта далаларидаги ғўзаларни ва шимолий районлардаги шолипояларни суғоришни ташкил этишда мураккаб вазият вужудга келди. Энди эса дарё бундан бир ой илгари етказиб бера олмаган сувнинг ўрнини қоплаш, экинларни қондириб суғориш имконияти туғилди. «Приаралводстрой» трестига қарашли механизациялаштирилган кўчма колонналарнинг коллективлари эндиликда оби-ҳаётнинг ҳар бир томчисидан далаларни суғоришда ғоят самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Тахиатошдан қуйироқдаги ўзанда муваққат тупроқ тўғони барпо этилди. Агар бу тўғонни сув ювиб кетадиган бўлса, бульдозерлар, кўп юк ортиладиган ағдарма машиналар шай бўлиб турибди. Тунда ўша жойни юзлаб гулханлар, прожекторлар ёритиб туради.

Амударё кўплаб шохобчаларидан экин бахра оладиган оби-ҳаёт оқмоқда.

НУКУС. [ЎзТАГ мухбири].

* * *

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-тадқиқот институти гидроэкологик тадқиқотлар бўлимининг бош инженери **Нина Игнатьевна Сабаева** бу хабарни шарҳлаб, бундай деди:

— Амударёда одатда ёзги тошқин сувлари икки марта келади: дарё дастлаб тоғли районларнинг нисбатан ўрталик жойларида қишда ёққан қорларнинг эришидан сувга тўлади, шунингдек қуйи ирмоқлардан — масалан, Сурхондарё ва Кофирнихондан сув олади. Шундан кейин баланд тоғлардаги қор эрий бошлайди. Бу эса улкан сув берадиган энг самарали ташкиндирки, Нукусдан берилган хабарда шу ҳол маълум қилинган.

Бу йил ёзда дастлабки тошқин қиска муддатли ва унча кучли бўлмади: тошқинни келтириб чиқарадиган қор запаслари бу гал унча кўп эмасди. Амударё этагидаги сув хўжалиги ходимлари ва барча ирригаторларнинг вазифаси шунинг учун ҳам энди масъулиятлирокдир: улкан тошқин пайтида бор сувни тўла-тўкис далаларга очиш учун бирор соат вактни ҳам қўлдан бой бермаслик керак. Институтимиз прогнозчилари Амударё ўзанида айрим соатларда сарфланадиган сув секундига 2 минг куб метрга етиши мумкин, деб тахмин қилмоқдалар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

СЎНМАС АЛАНГА

ОЧЕРК

Бу одамни эслаганда ҳар гал бағримда гўё қуёш шўъла сочиб тургандай бўлиб кетади...

Тўғрисини айтиб қўя қолай — мен унинг сирдош, яқин кишиларидан эмасдим. Бор-йўғи у билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлган кўп қатори оддий партия ходимларининг бири эдим. Марказкомда бир бинода ёнма-ён ишласак ҳам, уни кам кўрардик. Лекин унинг Марказкомда бор-йўқлигини ҳамиша сезиб турардик. Одатда, оддий ходимларнинг аниқ иш соатлари бўларди. Бўлим мудирларининг, хусусан Марказком секретарларининг иш кунлари аниқ чегаралардан маҳрум эди. Кўпинча улар туну кун қолиб кетишарди. Фашистлар Германияси билан бошланган даҳшатли уруш кишиларнинг одатдаги ҳаёт тарзини ҳам бузиб юборганди.

Баъзан биз, оддий ходимлар кечаси уйқуга қониб, ярталаб ишга келаётганимизда Усмон Юсупов уйқусизликдан кўзлари қизариб, оғир одимлар билан зиналардан пастга тушиб келаётган бўларди. Орадан уч-тўрт соат ўтиб-ўтмай, унинг яна кабинетида ҳозир бўлганлигини билардик. Ажабо, унга ҳар гал дуч келганимда ёш боладай ўнғайсизланиб, таҳликага тушиб қолардим. Қовоғини уйганида ана ҳам ваҳималироқ бўлиб кетадиган салобатли гавдасиданми, мартабасиннг улуғлиги туфайлими, хуллас, буни ҳозир ҳам изоҳлашга ожизман. Буларга қўшимча — баъзан ўзгача кулиб турадиган шўх, марҳаматли кўзлари ҳам аллақандай сеҳрли кучга эгамиди, ҳар қалай, унинг қаршисида хотиржам қолиш жуда қийин эди.

У ўзининг тошиб, қайнаб турган ташкилотчилик салоҳияти, гигант кучи, иссиқ жозибаси билан кишиларни сеҳрлаб қўярди.

Дарвоқе, мен ҳозир Усмон Юсуповнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон партия ташкилотининг пионерларидан бири, атоқли партия, давлат арбоби сифатидаги иш фаолияти хусусида тўхталмоқчи эмасман. Унинг сўнмас романтик қалбини ҳам тинч қўяман. Бор-йўғи, унинг менга маълум бўлган баъзи бир инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритяпман, холос. Тақдир мени у билан фақат расмий иш важидангина эмас, шахсий ҳаётимга алоқадор масалаларда ҳам бир неча бор дуч келтирган.

...Бухорода узоқ вақт оғир бетоб ётган хотиним Тошкентга олиб келган куним касалхонада кўз юмди. Каловланиб, саросимага тушиб қолдим. Оғир жудолик, бунинг устига қанча-қанча ташвишлар... Бухоро эса узоқда. Ёшим энди ўттиздан сал ошган. Алам, изтироб билан касалхонадан кечаси соат ўнларда Марказкомга чиқдим. Ҳамма 1 Май байрамига бағишланган тантанали мажлисда экан. Оғир кулфат қандай кунлар арафасида бошимга тушганини ҳам келиб англадим. Ушанда халқимиз биринчи марта тўпларнинг саси тинган 1 Майни кутиб олаётганди. Шундай онларда эса унинг қабулхонасида икки букилиб ўтирардим...

Кеч соат ўн иккига яқинлашганида коридорда базмин одимлар шарпаси эшитилди. Бу Усмон Юсуповнинг одимлари эди.

Оёққа туриб пешвоз чиқдим.

— Нима бўлди сенга? — деди у синчков тикиларкан.

Юрак дардимни зўрға босиб, бўлган воқеани айтдим.

Усмон аканинг бағридан инграшга ўхшаш садо чиқди. У анча вақт вазмин бошини эгиб, жойида туриб қолди. Боши оғир тебранарди. Мен ҳам жим. Бу оғир сукунат бир неча дақиқа давом этди.

Кўз қирим билан секин назар солдим. Чеҳрасида қуюқ кўланка. Менинг бошимга тушган ғам, жудолик унинг бутун борлиғини қақшатиб юборганди.

«Москва» меҳмонхонасининг зиналарида тўхтаб-тўхтаб, энтикиб, бўғилиб, йўталиб секин юқорига чиқа бошладим. Ўша йиллари Усмон Юсуповнинг бу ерда махсус ажратилган номери бўларди. Ушанда ўлим билан танҳо олишиб Москвада касалхонада ётардим. Ўнг ўпкамда катта тешик бор эди. Касаллик иккинчи ўпкамга ҳам ўтиб, гўё ҳўл ўтиндай тутаб ёнаётгандим. Даволовчи врачларнинг фикрича, мени ягона восита — ўшанда фаннинг янги мўъжизаси бўлмиш стрептомицинга ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкин эди. Уни топиш эса осон эмасди. Янглишмасам, уни бизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганди.

1947 йил эди. Москва кўчаларида майин кўклам шабадалари ҳали ўз кучига ишонмаётгандай ийманибгина эсарди.

Хуллас, зўр машаққат билан зарур номерга чиқиб олдим. Юсуповнинг қабулхонаси кишилар билан гавжум эди. У билан Москвага келган партия, совет органларининг раҳбарлари, министрлар... Уларнинг талайгинаси менга таниш эди. Саломлашиб, бир четга бориб пайт пойлаб ўтирдим. Мумкин қадар йўталмасликка уринардим. Бағримдан бўлоқ бўлиб қайнаб чиқаётган йўтални тўхтатиш эса менинг ҳоҳишимга боғлиқ эмасди. Қабулхонадан тезроқ кетишни истардим. Аммо кетолмасдим. Менинг ҳаёт қолиш-қолмаслигим ҳозир шу ерда ҳал бўларди. Омадни қарангки, кўп ўтмай эшик очилиб, икки-уч киши изидан Усмон ака кўринди. Қабулхонадагиларнинг ҳаммаси оёққа туришди. Хонадан бирга чиқишганлар билан хайрлашаркан назари менга тушди.

— Соғлиғинг қалай? — меҳр билан тикилди у.

Аҳволимни яширмадим, нима ташвишда юрганимни пайсалга солмадим. Пайсалга солишга вақт йўқ эди.

— Топамиз, ғам ема, — елкамга қўл ташлаб деди у. — Фақат адресингни менга қолдир. Айтгандай, қаерда ётибсан, нега Марказкомга билдирмайсан?

Қаерда ётганимни айтдим. Усмон Юсупов эса «ёзиб ол» деб секретарига имо қилиб қўйди.

— Хўш, оила, бола-чақаларинг қалай? Ўзинг бошқа бирон нарсадан зориқмаяпсанми?

Ёшма-пиша оиламнинг тинчлигини, ўзимнинг ҳам бояги доридан бошқа ҳеч нарсадан зориқмаётганлигимни айтдим.

— Яширма, бирор нарса керак бўлса менга ёзиб юбор, — Усмон Юсупов қўл чўзди.

Қабулхонада ҳамон оёққа турган кишиларга бош эгиб, секин йўлимга ростландим.

Пайқадим: Усмон Юсупов изимдан ғамгин тикилиб қолди... Буни қалб кўзи билан кўрдим.

Коридорда эркин йўталиб келаётиб аёл кишининг номимни тилга олиб чақираётганлигини эшитдим.

Тўхтадим. Орқага бурилиб қарасам, Юсуповнинг қабулхона секретари менга таниш кексароқ аёл эди.

— Беш минутгина кутасиз. Ҳозир машина сизни касалхонага олиб бориб қўяди.

Билдим — бу ҳам унинг топшириғи эди.

...Эртаси мени касалхона бош врачи кабинетига чақиришди. Кўзлари марҳаматли кулиб турган қотмагина аёл ўзини «Кремль клиникасидан» деб таништирди. Кўлда эса кичик қутича эди. Бош врач ўз ўрнида ўтирарди. Қутичани менга тилхат билан топширишди. Бу кечагина менинг учун ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ стрептомицин эди. Яна тағин оз эмас, олтмиш грамм!

Дарвоқе, орадан беш дақиқа ўтмай, халиги қутичани касалхона бош врачи қўлимдан олиб, пўлат сандиғига солиб қўйди.

«Кечаси ухлаганингизда бегона қўллар чўзилиши мумкин. Ҳар кунлигини шахсан ўзим бериб тураман».

Бош врачнинг бу эҳтиёткорлиги мени ҳеч қанча ажаблантирмади. Ахир, ўша кунлари бир грамм стрептомицин топиш... ҳаёт ҳадя этиш билан тенг эди-да.

Билмадим, ўшанда Усмон Юсуповнинг аралашуви билан менга етказиб берилган стрептомицин бўлмаганида мен ҳозир бу сатрларни ёзишга улгурармидим...

...Бу улуғ инсон билан охирги учрашувим Қримда, Ялта портида бўлганди. Янглишмасам, 1951 йил май ойлари эди. «Россия» пароходи Ялта портида салобат билан билинар-билинмас тебраниб турарди. Биз Усмон акани кузатишга чиққандик. Унинг шу пароходда кетишини мен даволанаётган санаторийга Ялтадаги «Ўзбекистон» санаториясининг директори, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Иброҳимжон Эргашев етказган эди. Усмон акани кузатувчилар талайгина эди. У Москвага шошиларди. Ушанда у СССР пахтачилик министри эди. У ҳоҳ кузатувчиларга, ҳоҳ ёнидаги хотинига у-бу деб гап отиб, ҳаммамизни кулдирарди. Унинг суяги енгил, кайфияти яхши эди. Бироқ, у одатдагидан анча озиб қолганди. Кўп ўтмай «Россия» пароходи Қора денгиз бағрига шўнғиб кетди. Бизлар узоқ вақт денгизга тикилганимизча туриб қолдик. Бағримизда бир-бирига зид ҳислар — биз уни кузатиб қўйганимиздан ҳам мамнун, ҳам айни вақтда унинг Ялтада орамизда бўлмаслигидан ачинардик.

Унинг шахсий ҳаётида, шўх табиатида кишида ширин табассум уйготадиган томонлари талайгина эди.

Шундан кейин уни қайтиб кўролмадим. Кунларнинг бирида, мен унинг Чигатойдаги қабрини аччиқ кўз ёшларим билан қучаман деб ҳеч қачон ўйламаган эдим.

Лекин у менинг қалбимда ҳамон тирик. Ҳаёт эканман, доим шундай бўлиб қолади. Кишилар бағрига сочилган яхшилик уруғи ҳеч қачон унут бўлмагани каби қалбларга ёқилган аланга ҳам ҳеч қачон сўнмайди. Кишилар бағрига аланга ёқиб кетиш... инсондаги олий фазилатларнинг энг юксак чўққиси бўлса, ажаб эмас. Унинг халқ учун, партия учун қилган улкан хизматларини авлодлар ҳеч вақт унутмайди.

Ҳа, яхшилар ўлмайди, улар абадий яшайди!

Бобомурод ДАМИНОВ.

ХОККЕЙ

«БИНОКОР» МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Айни саратон кезлари спортнинг қишки турларидан ҳисобланган хоккей чемпионатига ҳозирлик кўриш қизғин бошлаб юборилди. Ташқарида кун 35-40 даража атрофида қизиб турган бир пайтда марказий «Юбилей» спорт саройининг машқ майдонида қиш нафаси сезилади. Бу ерда «Бинокор» командаси хоккейчилари мавсумга ҳозирлик кўрмоқдалар. Хоккейчиларимиз биринчи лига командалари қатори чемпионат бақсларига иккинчи марта тайёрланмоқдалар.

Бу йил бинокорчиларга янги катта тренер Василий Васильевич Бастерс устозлик қилади. У новосибирсклик бўлиб, мамлакат командаларига моҳир спортчилар тарбиялашда хизмати синган тренерлардан. Новосибирсклдаги «Сибирь» хоккей мактабига тренерлик қилган.

Бинокорчилар составида бирмунча ўзгаришлар бўлиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Горбунов билан Никифоров командадан кетишди. Комраков билан Дроенколар эса бошқа командаларга ўтишди. Новиков болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тренерлик қилиш ихтиёрини билдирди. Уларнинг ўрни Новосибирскнинг «Сибирь» командасидан Геннадий Капкайкин, Федор Голятдинов, челябинсклик Сергей Ларичев, новосибирсклик армиячи Сергей Шикулин, «Сибирь» ёшлар командасидан Сергей Копилов, Юрий Антипов ҳамда Қозондаги Урицкий номли спорт клуби аъзоси, дарвозабон Рашид Гуляевлар ҳисобига тўлдирилади.

Бинокорчилар мавсумга ҳозирликни ҳар томонлама пишиқ-пухта ва ташкилий-тадбирий жиҳатдан мазмунли бўлишига аҳамият беришмоқда. Сухуми шаҳрида 15 июлда ўтказиладиган йиғинга йўл олинади. Келаси ойдан эса, Тошкент муз майдонида ўтказиладиган машқларга зўр берилади. Сентябрь ойида бир неча ўртоқлик учрашувлари, шунингдек, СССР кубоги учун курашда иштирок этиш мўлжалланган. Ташланган қуръага кўра бинокорчилар ригалик динамочилар, Воскресенскнинг «Химик», Новосибирскнинг «Сибирь», Уфанинг «Салават Юлаев» ҳамда СКА МВО (Липецк) командалари кўч синашадиган группада ўйнайдилар. Октябрь ойи бошида шайбали хоккей бўйича мамлакат чемпионати старт олади. Бинокорчилар дастлабки учрашувни ўз майдонларида ўтказадилар. Тошкентликлар минсклик динамочиларни қабул қиладилар. Кейин, Киевнинг «Сокол» ва «Сибирь» хоккейчилари билан учрашадилар.

Ф. ИСЛОМОВ.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълим давлат комитетининг «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТАҚСИМОТ ҚУРИЛМАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ЕРИТИШ, ЕРИТГИЧ ВА КУЧЛАНИШ ТАРМОҚЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА (программали станокларни электрон қисми) ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАР, КИНОМЕХАНИКЛАР, РАДИО ТЕЛЕМЕХАНИКЛАР КАБИ ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Билим юртида ўқиш муддати—1—2 йил.

УҚИШГА 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ 14,5 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия, ётоқхона берилади ва ўқиш муддати қисқартирилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар учун уч маҳал бепул овқат, кийим-бош; 10-синф ҳажмида маълумотлилар—ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини битирган ёшлар техникум ва олий ўқув юртига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса ўрта ва олий ўқув юртларида ўз билимини оширишга юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси бўлиб, бокс, кураш, дзюдо, самбо, эркин кураш, велоспорт, енгил атлетика, эшкак эшиш секциялари ишлайди. Шунингдек, техника ижоди ва фото тўгараклари, ҳамда вокал-эстрада ансамбли мавжуд.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси) ёки паспорт, автобиография; маълумоти ҳақида ҳужжат, яшаш жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, мактабдан характеристика, ҳарбий хизматга чақирилиш ҳақидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 дан 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Физкультурная кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 54, 18, 3, 80 ва 2, 58-автобуслар, 14, 24, 9, 7, 11-трамвайлар ва 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати», бекати).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Муҳаббат ёзи** (катта зал), **Аёл ва иблис** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат ёзи — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Кенгуру — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Кадкинни ҳамма билади — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сиздан угина, биздан бугина — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Кадкинни ҳамма билади — «ХИВА» (21, 22.30).

●

РЕСПУБЛИКА ЕШ МАТЕМАТИКЛАР ВА ФИЗИКЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1977—1978 ўқув йили учун

8-СИНФЛАРГА (МАТЕМАТИК ВА ФИЗИКЛАР)

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Шаҳар, район, область ва республика ёш математиклари ва физиклари олимпиадаларининг ғолиблари, шунингдек, физика ва математика фанларини ўрганишда муваффақият қозонаётган умумий таълим мактаблари ва мактаб-интернатлари н и н г ўқувчилари биринчи навбатда қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак: ариза, 1—7-синфлар учун табель, медицина справкаси (63-форма), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асли, область халқ маорифи бўлимнинг йўлланмаси, ота-онасининг турар жойидан қарамогидаги кишилар рўйхати кўрсатилган справка, ота-онасининг иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи кўрсатилган справка.

УҚИШГА КИРУВЧИЛАР МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА БЎЙИЧА 7-СИНФ ҲАЖМИДА СУҲБАТДАН УТАДИЛАР.

Ўқишга Тошкент шаҳар мактаблари ўқувчиларидан ташқари республиканинг барча областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР ўқувчилари қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ 20 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Чилонзор» массиви, 9-квартал, 33-уй. Телефонлар: 76-53-07, 76-42-59.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

39-ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-классли трактор ҳайдовчилари (ўқиш муддати— 2 йил), 3-классли шофёрлар (слесарь квалификацияси билан, 1 йил), газ-электр пайвандчилар (3 йил), кенг профилли трактор ҳайдовчилари (3 йил), токарлар (3 йил), токарь ва фрезерчилар (3 йил), дурадгор-ёғочсозлар (3 йил), электр пайвандчилар (3 йил), электромонтёрлар (3 йил).

ЎҚИШГА КИРУВЧИ ЕШЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: директор номига ариза, паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома), соглиги тўғрисида справка (286-форма), таржимаи ҳоли, 8 йиллик маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, шахсий иши учун папка (скоросшиватель).

УҚИШГА 15 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумоти 8—10-синф ҳажмида бўлиши шарт.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРУВЧИЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ ВА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар ётоқ билан таъминланади, 10 сўмдан 20 сўмгача стипендия, уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланади.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Жиззах область, Пахтакор район, «Пахтакор» совхози, 39-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллегияси Тошкент Политехника институтининг олий математика кафедрасининг мудири, география фанлари доктори, профессор

Мапура ОРИФХОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий-тадқиқот институти коллективи институт илмий ходими, химия фанлари кандидати Ш. Н. Каримовага отаси

Нуъмон ДОЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Болалар учун эртак. 11.00 — «Раддия» (бадиий фильм, 1-серия). 12.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 14.50 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — «Афти-ангорини қаранг» (бадиий фильм, 1-2-серия). 17.25 — «Фан ва техника». 17.35 — Фильм-концерт. 18.05 — Фан оламида. 18.35— Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 19.00— Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — «Жасорат». 19.50 — Спортлото. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Совет Латвияси. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Раддия» (бадиий фильм, 2-серия). 23.40 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Фильм-концерт. 18.25 — «Бойчечак». 18.55 —«Мингларнинг шартномаси асосида». 19.25 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги доклади — буюк сиёсий ва гоявий-назарий ҳужжатдир. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Эстрада программаси. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Т. Мамедова концерти. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ноз-неъмат бупёдкорлари. 22.50 — «Улуғ тарих саҳифалари» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Тирик мурда» (фильм-спектакль, 1-серия). 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Пойтахт области далаларида. 21.25 — Фильм-концерт. 21.55 — Химия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Композитор М. Насимов асарлари. 11.15 — Ривожланган социалистик жамиятда меҳнат. 11.30 — «Хоразм қўшиғи» (операдан парчалар). 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Жиззах чорвадорлари ҳузурида (репортаж). 13.30 — Л. Сенчина ва М. Содиқов ижро этади. 14.00 — Фан ютуқлари —ишлаб чиқаришга. 16.10 «Ялла» вокаль-чолғу ансамбли билан учрашув. 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.00 — Москва. СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси. 19.20 — Дўстлик тўғринида. 20.20 — Халқ қўшиқлари. 21.00 — Қўшиқлардан-қўшиқларга. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Тошкент сапёрлари қўзғолонининг 65 йиллигига. 22.40 — Шуҳрат ва П. Мўмин шеърлари. 23.15 — Тинглаб дам оламиз.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 09107. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 161.